Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 222 (4917).
2 ОКТЯБРЬ 1982 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Биз ҳаммамиз— пахтакормиз

Қишлоққа— самарали ёрдам

Ўзбекистон пахтаси 3.000.000 тоннадан ошди!

Пахтазордан дараклар № 7

ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИНИНГ ДАСТЛАБКИ ОЙИ—СЕНТЯБРЬ ҲАМ ТУГАДИ. СЕНТЯБРЬ ЎРТАЛАРИДА ЁҒИНГАРЧИЛИК БЎЛИБ ЎТГАНИГА ҚАРАМАЙ, ЯХШИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛДИ. ОНА-ВАТАН 3 МИЛЛИОН ТОННА ЎЗБЕКИСТОН «ОҚ ОЛТИН»ИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛДИ. БУ КЎРСАТКИЧ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА КЎТАРИЛАДИГАН КАТТА ХИРМОННИНГ ЯРМИГА ТЕНГДИР. ПАХТА ТЕРИМИ МАШИНАЛАРИ БУНКЕРИДАН 1.249.021 ТОННА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ХОМ АШЁ ТЎКИЛДИ. ЭЛ ХИРМОНИГА 191.050 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ИПАК ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ.

ОКТЯБРЬ — ЙИҒИМ-ТЕРИМ МАВСУМИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙИ ҲИСОБЛАНАДИ. ПАХТАКОРЛАРИМИЗНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ — ҚУЁШЛИ КУНЛАРНИНГ ҲАР БИР ДАҚИҚАСИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА «ОҚ МАВСУМ»НИ ОКТЯБРЬ ОЙИДАЁҚ ТУГАТИШДАН ИБОРАТДИР.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ҲОСИЛИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ УЧУН БАРЧА ДАЛАЛАРГА ОТЛАНСИН! ҲАММА ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИ ИШГА СОЛИНСИН! «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИМИ СУРЪАТИНИ ТОБОРА ОШИРАЙЛИК!

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун— бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён.

Тошкент	3,80	76,37
Хоразм	2,18	64,09
Бухоро	1,85	62,18
ҚҚАССР	2,70	56,93
Сурхондарё	1,95	52,73
Навоий	2,32	50,44
Сирдарё	4,13	47,48
Наманган	2,05	45,40
Андижон	2,13	44,15
Жиззах	3,09	42,45
Фарғона	1,80	42,27
Қашқадарё	2,01	41,89
Самарқанд	1,79	40,24
Республика бўйича:	2,38	50,58

Тонгги газеталарда

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1982 йил сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи Тошкент областида қолдирилди.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Матбуот маркази хабар қилади

Шаҳар партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси янги паллага кирди. Шу йилнинг сентябрь — октябрида шаҳардаги 2033 бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилади. Шу кунга қадар 252 йиғилиш ўтказиб бўлинди.

Йиғилишлар КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажаришда бошланғич партия ташкилотларининг масъулиятини янада ошириш шиори остида ўтказилмоқда. Партия ташкилотлари, ҳар бир коммунистнинг иши КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари, Тошкент ва Бокуда бўлиб ўтган тантаналарда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг тавсиялари ва кўрсатмалари, экономикага ва коллективларда кишиларни тарбиялашга партия таъсирини кучайтириш билан боғлиқ бўлган масалалар нуқтаи назаридан қараб чиқилмоқда.

«Электробитприбор» заводида, «Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмасида, 7-таксопаркда, Тошкент гидромелиорация техникумида, 127-шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртида ва бошқа қатор жойларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари мазмунли, юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий даражада ўтказилди.

Коммунистлар йиғилишларда юбилей йилида меҳнаткашларнинг ижодий активлиги кенг қулоч ёзаётганлигини таъкидламоқдалар, янги ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқмоқдалар, меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва сиёсий ишлар даражасини оширишга қаратилган конкрет таклифлар ва танқидий мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

• Озиқ-овқат программаси—амалда

ХЎЖАЛИК БАРПО БЎЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги тажриба-экспериментал ремонт-механика заводи коллективи буюк мамлакатимизнинг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқда. Корхона ишчилари йилнинг ўтган саккиз ойида юксак кўрсаткичларни қўлга киритиб, саккиз ойлик планни 103,2 процент қилиб бажардилар.

Завод коллективи КПСС Марказий Комитетининг Май (1982 й) Пленуми қарорларини ҳам шараф билан ҳаётга татбиқ этмоқда. Корхонада Озиқ-овқат программаси бўйича қатор тадбирлар белгиланган. Ана шу белгиланган тадбирлар натижаси сифатида пойтахт областининг Пискент районидаги «Партия XXVI съезди» совхози территориясида корхонанинг 14 гектарли ёрдамчи хўжалиги вужудга келтирилмоқда. Айни пайтда бу ерда юзлаб манзарали ва мевали дарахтлар ўтказилмоқда, паррандачилик, чорвачилик объектлари қуриш бўйича планлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

1990 йилга бориб мазкур ёрдамчи хўжалик корхона ишчиларини мева ва сабзавотлар, гўшт маҳсулоти билан тўла-тўкис таъминлаш даражасига етади.

Ташаббусни қувватлаб

Москваликларнинг 18 декабрда коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини пойтахтимиздаги ўнлаб корхоналари қатори Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам чин дилдан қўллаб-қувватлаб чиқди. Корхонада шанбалик ўтказиш штаби тузилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шу куни бирлашманинг барча етти цехида қизғин меҳнат жўш уради. Шанбаликда корхонанинг 1780 нафар ишчиси зўр ғайрат кўрсатиб ишлайди. Меҳнат анжумани куни бирлашма ишчилари 186 минг сўмлик иш бажаришади.

Бирлашманинг III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Валентина Ким, илғор мастер Валентина Орипова, Флюра Болтаева, Полина Новосельцева сингари юзлаб пешқадам ишчилари шанбалик куни алоҳида мажбурият олиб меҳнат қилишга сўз беришди.

ЗАВОД ҚАД КЎТАРМОҚДА

КПСС XXVI съезди қарорларида ўн биринчи беш йилликда қурилиш ишлари ҳажмини кенгайтириш, янги қувватларни ишга тушириш, қурилиш корхоналарини янги техника билан жиҳозлаш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига капитал маблағлар сарфини камайтириш каби муҳим вазифалар таъкидлаб ўтилган.

Пойтахт қурувчилари ҳам ана шуни ўзларига дастуруламал қилиб олишиб, янги қувватларни ишга тушириш, аҳолига кўплаб турар жой бинолари қуриб бериш борасида жонбозлик қилмоқдалар. Ана шу мақсадда яқин йиллар ичида янги, қувватли уйсозлик комбинатларини ишга тушириш кўзда тутилган. Шулардан бири Сергели районида бунёд этилмоқда. Бу завод йирик ҳажм-блокли уйларни қуришга мўлжалланган. Ўрта Осиёдаги йирик мазкур корхона конвейеридан тўппа-тўғри турар жой биноларининг тўла комплектли бинолари тушириб олинади. Бу квартиралар барча коммуникация жиҳозлари билан таъминланган, пардоздан чиқарилган бўлади. Фақат уларни қурилиш объектига олиб бориб, монтаждан чиқарилса бас. Заводнинг қувватини йилига 110 квадрат метр турар жой квартираларини тайёрлашга етказиш мўлжалланган, унинг бунёд этилиши учун 20 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланади. Унинг 14 миллион сўмлиги қурилиш-монтаж ишларига ажратилган.

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг 3-трестига қарашли 23-қурилиш бошқармаси бош пудратчи сифатида 20 гектар майдонда завод қурилишини давом эттиряпти. Бу йил 2 миллион 432 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 1983 йили заводнинг биринчи навбатини ишга тушириш мўлжалланган.

Ушбу суратда «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тўқувчилари, коммунистик меҳнат зарбдорлари опа-сингил Муқаддас ва Мунира Аҳмедоваларни кўриб турибсиз. Опа-сингиллар корхонада мамлакатимизнинг 60 йиллик юбилейи шарафига давом этаётган зарбдор меҳнат вахтасида фаол иштирок этиб, смена топшириқларини 140-150 процентга етказиб адо этишяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

САБЗАВОТ—ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДАСТУРХОНИГА

Тошкент районлари бўйича мева ва сабзавот тайёрлаш ва жамғариш плани бажарилишининг бориши тўғрисида шу йилнинг 1 октбригага бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун —мавсум бошидан буён тайёрланган, иккинчи устун сақлаш учун жамғарилган (процентларда).

Ленин	87,1	59,4
Фрунзе	70,1	59,6
Сергели	58,1	44,2
Куйбишев	78,0	37,7
Октябрь	66,4	63,1
Собир Раҳимов	86,5	45,0
Киров	63,5	27,3
Чилонзор	77,4	44,6
Ҳамза	54,0	41,4
Акмал Икромов	64,3	54,9
Жами:	69,8	45,9

ШАРҲ: деҳқонларнинг жафокаш қўли билан етиштирган мева-сабзавотларни йиғиштириб олиш давом этмоқда. Талай помидор, картошка, бодринг ва бошқа маҳсулотлар мунтазам тайёрланмоқда ва Ленин, Собир Раҳимов ва Чилонзор районларининг магазинлари пештахтасига ўз вақтида келиб турибди. Ҳамза, Сергели районлари бир мунча сусткашлик қилмоқдалар. Шунинг учун ҳам улардаги сабзавот магазинларининг маҳсулотлари сифати ва ранг-баранглиги билан ажралиб турмаётир, баъзан вақт етишмаслигидан улар сараланмасдан қолиб кетаётир.

Бугунги кунда узоқ муддат сақлаш мақсадида сабзавотларни тайёрлаш масаласи ҳам катта эътибор беришни тақозо этмоқда. Чунки ҳамшаҳарларимизни қиш пайтида дуркун маҳсулотлар билан таъминлаш ана шунга боғлиқ. Лекин ҳамма жойда ҳам бу борада иш кўнгилдаги даражада эмас. Киров, Куйбишев, Ҳамза районларининг тайёрловчилари бу ишда орқада қолмоқдалар. Уларнинг Собир Раҳимовликларга қараб мўлжал олиши айни муддао бўлур эди. Ахир етиштирилган барча ҳосил яхши сақланмоғи ва истеъмолчига ўз вақтида уринтирмасдан етказиб берилмоғи керак.

Яхши анъана

Пойтахтимиздаги «Ташхимсельмаш» заводи коллективи буюк мамлакатимизнинг шонли 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқда.

Корхонада хорижий мамлакатларнинг буюртмаларини ўз вақтида бекаму кўст бажариш яхши анъанага айланган. Завод Венгрия, Чехословакия, Руминия, Вьетнам, Болгария сингари социалистик мамлакатлар ҳамда бир қатор капиталистик мамлакатлар — жами 20 дан ортиқ мамлакат билан иқтисодий алоқа боғлаган. Мамлакатимиз юбилейи йилида заводнинг хорижий буюртмачилари сони яна иккитага ошди. Энди корхона Ангола республикаси ҳамда Афғонистон Демократик Республикасига ҳам мунтазам маҳсулот етказиб беради.

БУГУН корхона ишчилари ана шу мамлакатларнинг буюртмаси асосида ОВХ— 14, ОПХ— 50, КВ—4А, КИВ —3,6А маркали машиналарнинг янги туркумини тайёрлашга киришдилар. Йил охиригача бу мамлакатларга пойтахтимиздаги корхона муҳри туширилган 50 дан ортиқ машиналар жўнатилади. Завод коллективи шу кунларда маҳсулот экспорт қилиш планини СССР 60 йиллиги нишонланадиган кунгача бажариш учун курашмоқда.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

«ПРАВДА ВОСТОКА» ГАЗЕТАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун ва 20 мингинчи сони босилиб чиққанлиги муносабати билан **«ПРАВДА ВОСТОКА»** газетаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри 1982 йил 1 октябрь.

ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНАДИ

Леонид Ильич Брежнев халқ ўқитувчиси касби халқ орасида энг фахрли ва эъзозли касблардан бири деб атади. Ҳозирги кунда ўз сафларида уч юз мингдан ортиқ кишини бирлаштириб турган Ўзбекистон педагоглари отряди коммунизм бунёдкорларининг ёш ўринбосарларини маънавий жиҳатдан тарбиялашга катта ҳисса қўшмоқда. Халқ ўқитувчилари партия XXVI съезди маориф ходимлари олдига қўйган вазифаларни изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

1 октябрь куни Тошкентда ўқитувчилар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ўқувчилар ёшларнинг тарбиячиларини байрам билан қутлаб, уларга меҳнатларида, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик кўришларида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

Долзарб мавзу

«МУРАББИЙ, СЕНИНГ НОМИНГ БИЛАН»

ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ — СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ ИФТИХОРИДИР. У ХАЛҚ МАОРИФИ ИШИГА ФИДОКОРОНА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ, ЎЗ ҚАЛБИНИНГ САХОВАТИ БИЛАН, ОЛИЙЖАНОБ МАЪНАВИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ, БОЛАЛАРГА МЕҲР-МУҲАББАТ БИЛАН ҲАММАНИНГ ИЗЗАТ-ҲУРМАТИГА САЗОВОР БЎЛДИ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Бизнинг ҳар биримиз, олим ёки ишчи, инженер ёки врач бўлмайлик, бизда ўша дўстликни уйғотган, коллективизм ҳиссиётини вояга етказган, спектаклар ва адабий кечалар, пионер эстафеталари ўтказилган, бизларда билимга бўлган қизиқишни, ижодий изланишга бўлган қобилиятни уйғотган, ўқитувчилар билан ҳамиша ҳовлиси файзли бўлган ўзимизнинг мактабимизни сочимиз оқаргунга қадар эслаб юрамиз. Орадан қанчалаб йиллар ўтса ҳам, лекин биз мактабда ўтган кунларимиз тўғрисида бизларни фикрлашга, изчил бўлишга, меҳнатни севишга ўргатган ўқитувчиларимизни қайта ва яна қайта эслаб турамиз. Минглаб ана шундай мураббийлар эндиликда бизнинг фарзандларимизни доно ва идрокли бўлишга ўргатиш, уларни чинакам улуғвор саховат ва ҳаққонийлик руҳида тарбиялаш мақсадида синф хоналарга кириб борадилар.

«Ассалом, болалар!. — олам тўғрисида янги кашфиётлар қувончини, ўзи тўғрисида, табиат, жамият ва халқлар тарихи тўғрисида тушунча берадиган дарс ҳар бир синфда ана шу табаррук сўздан бошланади.

Мактабдаги ўқиш кунлари жадал ва тез ўтиб кетади. Бу кунлар сабоқ олиш, синф соатлари, кўпгина тадбирлар билан тўлиб-тошган. Уларнинг ҳар бирида бош-қош бўлган асосий инсон —ўқитувчидир. Биз бу зотнинг олдига ҳамиша ўзимизнинг қувонч ва ташвишларимиз билан борамиз, айрим болалар ўқишда оқсаб қолишганида, болалар коллективларида муносабат мураккаблашганида, ҳаёт йўлини танлаш масаласи пайдо бўлганида ана шу киши билан маслаҳат қиламиз.

Ҳозирда шаҳримиз мактабларида 13 мингдан зиёд ўқитувчи меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда шаҳримиздаги 9, 110, 64, 186, 243, 21, 182-мактабларнинг педагогика коллективларини ташаббускор тарбиячилар, ижодий изланувчи, ўз ишига садоқат билан берилган кишилар деб атамоқдалар. Бу мактабларда ўқув-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган, ҳар бир дарснинг самарадорлигини ошириш, ўқув вақтининг ҳар бир минути бекорга ўтмаслиги тўғрисида катта ғамхўрлик қилинмоқда. Бу мактабларда фақатгина тарихий саналарни ёдлаб олишга, косинусларни ўргатишгина қолмай, балки ёшларни ғоявий-сиёсий, ахлоқий, эстетик руҳда тарбиялашга, уларда ҳаётда жонбозлик билан фаоллик кўрсатишга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчилар—245 мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Анатолий Дмитриевич Уханкин, 64-мактаб математика ўқитувчиси Алексей Алексеевич Каляев, 110-мактаб география ўқитувчиси Клавдия Ильинчина Каюрина, 22-мактаб физика ўқитувчиси Фазлиддин Расулов, 43-мактаб бошланғич синфлар ўқитувчиси Любовь Федоровна Попова ва бошқа кўплаб мураббийлар юксак масъулият ҳисси билан ёшларда меҳнатсевар, жангчи, гражданин, ватанпарвар ва интернационалист фазилатларини шакллантириб тарбияламоқдалар.

Ўқувчилар ўз мураббийлари раҳбарлигида оталиқдаги корхоналарга экскурсия қилмоқдалар, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашмоқдалар, «СССР —менинг Ватаним» экспедициясининг барча йўналишлари бўйича изланмоқдалар. 135-мактабнинг ўлкашунослари Тошкент тўқимачилик комбинатининг йилномасини, 48-мактаб ўқувчилари эса абразив заводи, 89-мактаб тўқимачилик комбинати йилномасини тузиб чиқдилар. Калинин остоналарида жанглар бўлиб ўтган жойлар, ҳаракат қилган партизан қўшилмалари босиб ўтган йўллар бўйлаб бу йил 183-мактабнинг 90 ўқувчиси зиёрат қилишди. Бу кўп қиррали ишнинг ҳаммаси —ўқитувчилар ташаббуси, ижодий изланишининг самарасидир.

Халқ, партия, Совет давлати ўқитувчилар меҳнатини юксак қадрламоқда. Биргина 1981 йилда СССР ва Ўзбекистон ССР маориф министрликлари аълочиси нишонлари билан 178 ўқитувчи мукофотланди, 60 ўқитувчи турли орден ва медалларни олишга сазовор бўлди.

СССР ва Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси нишонларини олган кишилар орасида 483-болалар боғчаси мудираси Маҳфуза Юсупова, 426-болалар боғчаси тарбиячиси Матлуба Умарова, 242-мактаб илмий бўлим мудири Галина Дмитриевна Казакова ва бошқалар бор.

Ўқитувчилар коллективлари ўзларининг бутун ижодий ғайратларини КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон ўқитувчиларининг VI съезди талабларини асосида ўқув-тарбия жараёнининг барча звеноларини такомиллаштиришга қаратмоқдалар, ёшларнинг фаоллик билан меҳнат қилишида, ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланишида сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг ягоналигини кўзда тутувчи синфдан ташқари ишларни янада яхшилашга катта эътибор бермоқдалар.

Ҳозирги пайтда ўқитувчи, тарбиячи, ахлоқий маданиятга нисбатан оширилган талаб тақозо қилинмоқда. Мураббий бугунги кунда болаларнинг ўз ортидан эргаштира олиши учун биринчи навбатда муттасил ўқиб-ўрганиши керак бўляпти. Социалистик мусобақа якунларига кўра республикада биринчи ўринни эгаллаган ўқитувчилар малакасини ошириш шаҳар институти шаҳар педагогика кадрларини таълим ва тарбиянинг замонавий методлари билан қуроллантириш борасида катта ишларни олиб бормоқда.

... Бугун, ўқитувчилар куни арафасида, мактабларимизда байрам ўтказилмоқда. Ҳар бир синф хонасида олтин куз фаслининг ранг-баранг анвойи гуллари билан янада кўркам бўлиб кетган.

— Яков Александрович, сизни табриклаймиз,— дейишяпти 5-мактаб болалари ўзларининг севимли математика ўқитувчиси Я. А. Сандлерга.

— Қадрдон Петр Демьянович, сизга сиҳат ва саломатлик тилаймиз,— Тошкент Давлат университети ўқитувчилари ва студентлари тарих фанлари кандидати, ижтимоий фанлар факультетлари КПСС тарихи кафедраси доценти, ўзининг 70 йиллик юбилейини нишонлаган П. Д. Расказовга ана шундай истак билдирмоқдалар. Бугун табриклар ҳамма жойда — синф хоналарида, студентлар аудиторияларида, болалар боғчаларида янграмоқда. Мамлакат ёш авлодга сахийлик билан билим ўргатаётган, ҳаёт тажрибаси билан баҳамлашаётган мураббийларни қутламоқда.

• ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан

МИКРОРАЙОНЛАРНИ НАМУНАЛИ АСРАЙЛИК

Халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. КОЗИМОВ мажлисга раислик қилди.

Мажлисда биринчи бўлиб уй-жой ташкилотларининг Тошкентнинг 2000 йиллигига қандай тараддуд кўраётганлиги масаласи қараб чиқилди. Белгиланган тадбирларнинг бирмунчаси бажариб қўйилди. Ана шу туфайли турар жой фондларидан фойдаланиш даражаси, уйлар, подъездлар, квартиралар, фасадлар ва микрорайонларнинг территорияси санитария ҳолати яхшиланди. турар жой хўжалигини бошқариш такомиллашмоқда. ишлаб чиқариш базаси юксалмоқда.

«Ташжилпроект» институти турар жой ташкилотларининг ходимлари билан ҳамкорликда шаҳарнинг 34 та кўчасини текшириб чиқди. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад магистраллар чиройини бузаётган уйларни аниқлаш, фасадларни жиҳозлаш бўйича тавсияномаларни тайёрлашдан иборат эди. 167 та ана шундай уй бажарилган ремонт шарофати туфайли ўз чиройини ўзгартирди. 25 минг балкон ва лоджилар тартибга келтирилди, 400 минг туп дарахт кўчати ва 1 миллионта ниҳол ўтказилди. Шу кунларда Б. Хмельницкий, Пушкин, Ш. Руставели кўчаларидаги турар жой бинолари ва уларга туташ территориялар комплекс ремонт қилинмоқда.

Йилдан-йилга аҳолининг ўз кучи ва маблағлари ҳисобига квартираларни ремонтдан чиқариш ошиб бормоқда. Турар жой микрорайонларида 170 дан зиёд ремонт бригадалари ташкил этилди. бу бригадалар ҳовлиларни, подъездлар, болалар спорт майдончаларини тартибга келтирмоқда.

Лекин шу билан бирга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида шаҳар юбилейига тайёргарлик чоғида йўл қўйилаётган нуқсонлар ҳам очиб ташланди. Фасадларни капитал ремонт қилиш суръатлари паст, 19 та уйдаги ишлар графикдан анча ортда қолинган ҳолда олиб борилмоқда. Ремонт сифати ҳам ҳар доим талабларга жавоб беравермайди. Микрорайонларнинг санитария ҳолатини сақлашда катта нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Бунга асосий сабаб— рўзғор чиқиндилари ва ахлатларнинг ўз вақтида олиб кетилмаслигидир. Аҳоли, турар жойлардан фойдаланиш участкаларининг коллективлари Тошкентнинг 2000 йиллиги шарафига бажарилаётган тадбирларнинг мақсад ва вазифаларини яхши билмайдилар. Ваҳоланки, кўпчиликнинг кучи билан микрорайонларни намунали ҳолга келтиришга салмоқли улуш қўшиш мумкин.

Шундан кейин ижроия комитет мактабгача жамоат тарбиясининг тараққиёти билан боғлиқ масалани қараб чиқди. Бу борада ҳам бизнинг шаҳримизда анчагина ишлар қилинди. Мунтазам равишда моддий-техника база мустаҳкамланмоқда, болалар боғча ва яслиларининг тармоғи кенгаймоқда. 1981 йил бошидан 5760 ўринли 22 та мактабгача болалар муассасалари бунёд этилди. Ана шунинг шарофати билан ҳозирги пайтда ясли ва боғчаларга 135400 кичкинтой бормоқда. Тарбиявий-таълим ишлари, овқатлантиришни ташкил этиш ва медицина хизмати кўрсатиш даражаси ошди. Бу нарса тошкентликларнинг кўпгина оилалари маиший турмушини яхшилашга, ишлаб чиқариш меҳнатида, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда аёлларнинг қатнашишига реал имкониятлар яратди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шунингдек, бу масаладаги мавжуд нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтди. Санитария-гигиена режимининг бузилиш ҳоллари учраб туради. педагогик жараёнларни ташкил этишда нуқсонлар мавжуд. Айрим тарбиячилар болаларда энг яхши ахлоқий сифатларни шакллантириш ишига етарли эътибор беришмайди. Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси томонидан мактабгача болалар муассасаларни районларнинг демографик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда бир текисда жойлаштириш масаласини ҳал этмаётир. Савдо Бош бошқармаси томонидан болалар боғча ва яслилари озиқ-овқат маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар билан тўла таъминланмаётир. Ана шу масалаларни зудлик билан ҳал қилиш керак!

Ижроия комитет мажлисида шунингдек, «Главташкентстрой»нинг «Отделстрой» трестида социалистик мулкнинг сақланишини таъминлаш ва иқтисод ҳамда тежамкорлик режимига риоя қилишнинг аҳволи тўғрисидаги масала ҳам қараб чиқилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шаҳар Совети ижроия комитети мажлисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари **К. П. Дудин** иштирок этди.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Студентлар ва меҳнаткашларнинг пахта йиғим теримига оммавий чиқиши муносабати билан 1982 йил 2 октябрдан 6 октябргача, автобусларнинг муайян қисми ҳашарчиларни ташишга жалб этилади ва шаҳар маршрутларида автобусларнинг сони кескин камаяди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар пассажир транспортининг барча турлари ишини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси.

Мусобақа—миллионлар ижоди

Илғорликка интилиб

«Халқ хўжалигининг ва аҳолининг юк ташиш эҳтиёжини тўлиқ ва ўз вақтида қондириш, транспорт системаси иши самарадорлиги ва сифатини ошириш транспортнинг асосий вазифасидир».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларга етказиб беришга республикамиз пойтахтидаги барча автокорхоналар қатори «Узмежавтодортранс» бошқармасига қарашли 56-автокорхона коллективи ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Корхона коллективи «СССР 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафталик» ташаббусига қўшилган ҳолда ҳар бир зарбдор ҳафталикни меҳнатда кувончли кўрсаткичлар билан якунламоқда. Улар юбилей йилида планда ташқари 120 минг тонна юк ташиш мажбуриятини қабул қилишган. Мажбурият социалистик мусобақа асосида амалга оширилмоқда. Юксак марраларга интилиш, бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан унумлироқ меҳнат қилиш принципи корхонанинг ҳар бир ишчисига хос хусусиятдир. Чунки коллектив аҳли «Йиллик план — муддатидан илгари», «Сафимизда колоқлар бўлмасин» шиорлари остида ҳам меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда ҳар икала шиор меҳнатда ўз ифодасини топган. Корхонадаги мавжуд бриғадаларнинг бирортаси ҳам ойлик планларини бажаролмай қолган кезлар йўқ. Барча бригадалар социалистик мусобақа илғори бўлишга, зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни ортиғи билан адо этишга тинмай ҳаракат қилмоқда. В. Журавлёв, А. Отабеков, Т. Третьяков, Д. Орипов бошлиқ бригада коллективлари бугунги куннинг пешқадамларидир. Уларнинг зафар қозонишига бригада пудрати асосида меҳнат қилиш жуда қўл келмоқда. Чунки меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив методининг нечоғлик қулайлиги аллақачон қўшни автохўжаликлар томонидан исбот қилинганди. Мана шунинг учун ҳам корхонадаги 20 бригададан 9 таси ҳеч иккиланмасдан бригада пудратини қабул қилганди. Ҳозирги вақтда эса бу метод амалда ўзини оқламоқда. Шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки, бу ҳаракат келгусида янада кенг қулоч ёяди. Чунки, ҳайдовчилар бундай бригадаларда меҳнат қилаётган ҳамкасбларининг юқори кўрсаткичларда меҳнат қилаётганини гувоҳи бўлмоқда.

Изланиш бор жойда — самара бор. Меҳнатни янада яхшироқ ташкил этиш учун корхона ишчи ва хизматчилари доимо изланишда. Яқинда 56 та автомашинага махсус юк ортиш-тушириш мосламаси ўрнатилди. Бу билан ҳайдовчилар иккинчи касбни юк ортувчи-тушурувчи ишчилар вазифасини бажаришаяпти. Натижада, икки киши ишини бир киши уддаламоқда, тағин техника ёрдамида. Худди мана шу нарса қўшимча рейс бажариш учун резерв бўлмоқда. Албатта, бу нарса ўз-ўзидан юзага келмади. Аввал учқунланди, сўнг алангаланди, яъни бир кишидан чиққан ташаббус кўпчилик томонидан маъқулланди ва амалда қўлланди. Худди мана шу ҳол коллективда соғлом хусусиятлар — аҳиллик, биродарлик, шахсий ва коллектив манфаатини бирга йўналтиришдек омилларнинг мавжудлигини яққол далиллаб турибди.

Коллектив аҳли ҳар ташаббусни қониқиш билан қаршилайди. Ҳар ташаббуснинг ўз издошлари бор. Автохўжаликнинг 31 ҳайдовчиси ўн бешлар ташаббусини маъқуллаб чиқиб, «Бир беш йилликда — икки беш йиллик» шиори остида меҳнат қила бошлаганлар. Илғор ташаббуснинг ана шу издошлари корхонада социалистик мусобақанинг янада қизғин тус олишига сабабчи бўлдилар. Коллективнинг бошқа аъзолари шу кунларда 1984 йилнинг иккинчи квартали ҳисобига меҳнат қилаётган М. Абдусаматов, Н. Абдуллаев, Н. Эшматов, В. Романов каби моҳир ва илғор ҳайдовчилардан ўрнак олган ҳолда ойлик юк ташиш планларини ошириб адо этмоқдалар, яъни 31 ҳайдовчига ўхшаб, беш йилликда ўн йиллик планни бажариш имкониятига эга бўлмасада, йиллик планни муддатидан илгари бажаришга қатъий аҳд қилишган.

Шунингдек, автохўжалик меҳнат аҳли тежамкорлик соҳасида ҳам қувончли натижаларни қўлга киритмоқда. Йил бошидан буён коллектив 320 та автошина, 10.7 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тежаб қолди.

Илғорликка интилиб меҳнат қилаётган корхона коллективи шонли юбилей кунини меҳнатда катта ютуқлар билан кутиб олишга аҳд қилган.

Н. НОРҚОБИЛОВ.

Эртага—Ўқитувчилар куни

Уқитувчилик энг мўътабар касблардандир. Бу касб кишилари орасида ўзининг фидокорона меҳнати билан ҳурмат ва эътибор қозонган кишилр кўп.

СУРАТДА: ўқитувчилар куни арафасида пионерлар Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденларининг кавалери, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳаким Ҳошимов, Узбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Ҳасан Соатов ва узоқ йиллардан бери педагоглик қилиб келаётган Мария Васильевна Глазковаларни байрам билан табриклашмоқда.

Р. Альбеков фотоси.

• Қиш—синов даври

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Ҳар йилгидан бу йил корхонамизда қишга тайёргарлик жиддий кетмоқда. Ишчиларга қулай шароит яратиш учун депомиздаги барча хизмат хоналари ремонт қилиниб, иситиш тармоқлари профилактикадан чиқарилди. Шунингдек, машиналар ҳам қиш мавсумига жадаллик билан ҳозирланмоқда. Қиш-қировли кунларда йўловчиларнинг иссиқ салонларда бамайлихотир кетишларини таъминлаш учун ҳар бир вагонда жуда кўплаб ремонт ишлари амалга оширилмоқда.

Ремонт ишлари эса белгиланган план асосида олиб борилади. План эса ҳафта сайин қишга тайёргарликнинг бориши бўйича ўтказиладиган ҳисобот пайтида тузилади. Бунда ҳайдовчилар асосий роль ўйнайди. Чунки ҳар бир ҳайдовчига ўз машинасидаги камчиликлар беш қўлдай аён. Иссиқ-илиқ кунларда аъло даражада юриб турган машинада қўшимча ремонт ишлари бошлаб юборилганда, ундан шунчалик кўп камчиликлар топилади-ку, бу соҳа билан чуқур таниш бўлмаган киши беихтиёр ажабланиши турган гап. Аммо ремонтчиларни бу нарса ажаблантирмайди. Вагондаги ҳар бир ремонтталаб тиркиш бекитилади, носоз ойналар алмаштирилади, машина ичи ва ташқи томонлари, жумладан, ҳар бир қисм керакли бўёқдан чиқарилади.

Ҳаммамизга маълумки, Тошкент қиши инжиқ кунларга бой: гоҳ ёмғир, гоҳ қор ёғиб, йўллардан намгарчилик аримайди. Мана шундай пайтда техника жиҳатдан ниҳоятда пухта бўлмаган машиналарнинг рейсга чиқиши кўнгилсизликларни юзага келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам қишга тайёргарлик масъулият ҳис этилган ҳолда амалга оширилади. Тормоз системасидан тортиб электр механизмларгача пухта кўрикдан ўтказилади. Троллейбуслардаги шиналар алмаштирилади. Ҳайдовчиларга қум тўлдирилган махсус халтачалар тарқатилади. Сирғанчиқ йўлларда, яъни зарур бўлиб қолган кезларда қум ҳайдовчига катта ёрдам беради.

Вагонларнинг ичи, ташқариси ва ҳар бир қисмининг бўёқдан чиқарилишига бош сабаб —машина қисмларини занглаб, тез ишдан чиқишига йўл қўймасликдир. Чунки тежамкорлик бўйича олиб бораётган ишимиз буздан худди шуни талаб қилади.

Бугунги кунда корхонамизда 160 та трамвай ва юздан зиёд троллейбус мавжуд бўлиб, коллективимиз 7 та трамвай ва 5 та троллейбус маршрутига хизмат кўрсатади. Барча маршрутдаги бригадалар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қиш мавсумига бўлган тайёргарликни янада тезлатиш чораларини кўришмоқда. Шу вақтгача 72 та трамвай ва 44 та троллейбус қишга ҳозирланди. Қолган машиналарда тайёргарлик 15 октябргача тўла-тўкис амалга ошириб бўлинади. Бундан ташқари ҳар бир ҳайдовчи қишга тайёргарликнинг махсус курсини ўтайди. Ёмғир ёки қор ёғиб, йўллар намланган кезларда қандай ҳаракат қилишнинг назарий ва амалий машғулотлари малакали инструкторлар томонидан ўтказилади. Айниқса ёшлар диққат-эътиборда бўлади. Уларга ғамхўрликдан ташқари талабчанлик ҳам юқори бўлади. Ҳаракат пайтида тасодифларнинг юз бермаслиги учун ёшлар қайта-қайта машғулотлардан ўтказилади.

Бугунги кунда қишга тайёргарлик иши СССРнинг 60 йиллик юбилейига бўлган тайёргарлик билан қўшиб олиб борилмоқда. Корхонамиз аҳли шонли санани меҳнатда юқори кўрсаткичлар билан қаршилаш ниятида. Машиналарни техник жиҳатдан пухта ҳозирлаб совук мавсумда йўловчиларга янада кенгроқ қулайликлар яратиш мақсадида юқоридаги тадбирлар амалга оширилмоқда.

А. ЙУЛДОШЕВ,
Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли 3-троллейбус депосининг бош инженери.

СУРАТДА: шаҳримиз ҳуснига-ҳусн қўшиб турган «Москва» меҳмонхонасининг умумий кўриниши тасвирланган.

ТРИКОТАЖЧИЛАР МАҲОРАТИ

Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмасининг тўқувчиси Раиса Маткаримова СССРнинг 60 йиллиги шарафига ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятни бажарди. У 1984 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Иш вақтидан самарали фойдаланиш, меҳнатнинг жадал усулларини эгаллаш илғор ишчининг ишлаб чиқариш графигидан ўзиб ишлашига имкон бермоқда. Р. Маткаримова ҳар қандай операцияни нормативда кўзда тутилганига қараганда тез бажариб, хизмат зонасини икки баравар кенгайтирди, у тўртта йигирув машинасида ишламоқда.

Раиса Маткаримова бир неча йилдирки, корхонада ташкил этилган коммунистик меҳнат мактабида ёшлар билан машғулотлар ўтказмоқда. У ишга янги келган қизлар билан меҳнатда юксак унумдорликка эришиш сирларини ўртоқлашиб, уларни ҳар бир иш дақиқасини тежашга ўргатмоқда.

(ЎзТАГ).

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — АМАЛДА

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ

Ўзбек кончилари шаҳри — Ангренда янги нон заводи ишга туширилди. Завод бир кеча-кундузда 65,8 тонна нон — булка маҳсулоти ва бир тоннадан ортиқ кондитер маҳсулоти ишлаб чиқаради. Новвойлар ўзларининг дастлабки маҳсулотини «Узбекшахтострой» тресги бинокорларига туҳфа этдилар. Трест бинокорлари корхонани жадал қуриб ишга туширдилар.

Янги завод тармоқдаги турдош корхоналардан бир мунча фарқ қилади. РСФСР ва Украина, Грузия ва Арманистон, Озарбайжон, Татаристон машинасозлари корхона учун замонавий асбоб-ускуналар тайёрлаб бердилар. Бу эса гигиена ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг юксак талабларига мосдир. Заводда ун қопларда эмас, балки ҳар бири ўн уч метр баландликдаги пўлат бункерларда сақланади. Бу ердан ун пневмотранспорт орқали зарур бўлимларга жўнатилади.

Янги корхонадаги барча технологик жараёнлар механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган.

Бу республикада шу йилнинг ўзида ишга туширилган иккинчи нон заводидир.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Ташсельмаш» ва Тошкент трактор заводининг ишчилари Мозамбик Халқ Республикаси деҳқонларининг буюртмаларини белгиланган муддатдан уч ой барвақт бажардилар. Пахта териш комбайнлари ва пахта ташийдиган прицеплар Нампула вилоятига жўнатилди. Бу вилоятда Ўзбекистондан борган мелиораторлар ва пахтакорлар ёрдамида 15 минг гектардан катта майдонда пахтачиликнинг учта катта давлат хўжалиги қурилмоқда.

Янги хўжаликнинг ишчилари учун иссиқ иқлим шароитларида қулай бўлган йиғма-шчитли уйлар қуриш мўлжалланмоқда.

Ҳозирги вақтда қидирув ишлари олиб борилмоқда, бу ишлар ниҳоясига етказилганидан кейин давлат хўжаликлари территориясида ирригация иншоотлари барпо этилади.

(ЎзТАГ).

• Ҳамкасблар ҳақида ўйлар

ЁШЛАР КАМОЛИ—УСТОЗЛАР ҚУВОНЧИ

Ўқитувчи! Шу биргина сўз заминида инсон ҳаёти, бахти-саодати, илм-маърифати, одоб-ахлоқи, муомала-муносабати, одамийлиги яшириниб ётади. Устоз-мураббийларнинг сермашаққат, лекин ғоят шарафли меҳнатлари инсон камолида ўз аксини топади. Устод-ўқитувчиларни онадек меҳрибон, отадек боғбон деб биламиз.

Инсон умр бўйи ўзининг бебаҳо кишилари —ота-оналарини унутмагандек, устоз-ўқитувчиларини ҳеч қачон унутмайди. Ўқитувчи ёш ўқувчисига йиллар давомида илм-фан асосларини ўргатади, уни камолга етказади. Ана шу ўқувчи етуклик аттестатини олиб олий ўқув юртида ўқийди, етук мутахассис бўлади, ҳатто олим бўлиб етишади. Ёки ёш ўқувчи йиллар ўтиб меҳнатда қаҳрамон бўлади, шон-шуҳрат, обрў-эътибор топади. Лекин у ким бўлишидан қатъий назар устоз-ўқитувчисини кўрганда илтифот билан таъзим қилади:

— Ассалому алайкум, устоз!

Шу биргина илиқ сўз ўқитувчи қалбига бир олам қувонч бағишлайди, узоқ йиллар ўқувчисига берган илмдан, ўз меҳнатидан роҳат олади.

Ўқитувчи ўз ўқувчисининг яхши одам, ажойиб инсон бўлганини эшитганда ҳам ифтиҳор ҳиссига тўлади:

— Ҳа, у менинг ўқувчим, уни мен ўқитганман.

Ҳатто бир мактабдан чиққан ақлли, доно киши билан бутун бир коллектив ғурур ҳиссини туяди:

— Фалончи бизнинг мактабда ўқиган, ажойиб ўқувчи эди.

Ўқитувчи кўча-кўйда, мактабда кексалардан ёшлар ҳақида: «Отасига раҳмат, шу йигит-қизнинг таълим берган устозига балли!» деган гапларни эшитганда ҳам бир олам қувончга тўлади.

Ўқитувчи ўз касбкорини, фанини, синфдаги ўқувчиларини севса, ўзи ишлаётган педагогик коллективни чексиз ҳурмат қилса педагогик маҳоратини ошириб, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонади. Тажрибали ва ташкилотчи педагог Хожиакбар Қурбонов директорлик қилаётган Будённий номли 111-ўрта мактабда ўз касбини ана шундай сидқидилдан севган ўқитувчилар ишлашади.

Мактабимизда кўп йиллардан бери педагоглик қилиб келаётган моҳир ўқитувчилар бутун билим ва тажрибаларини ёш авлоднинг камоли учун бағишлашмоқда. Моҳир ўқитувчилардан Шукур Усмонов, Зиёвуддин Курбонқулов, Мария Мушеева, Ёқут Каримова, Саида Холмуҳамедова, Сония Мифтахутдинова, Муҳаррам Исмоилова ва бошқа кўплаб устоз-мураббийлар ёш авлодга ҳар томонлама билим бериш билан бирга, ёш ўқитувчиларга ҳам педагоглик сирларини ўргатишмоқда. Улар ҳар бир дарс машғулотидан унумли фойдаланиб, дарсларни кўргазмали, қизиқарли ва мазмунли ўтказишяпти.

Азиз она-Ватанимизнинг катта тўйи — СССРнинг 60 йиллик тантанаси йилида устозларимиз ўқиш-ўқитиш ишларида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиш учун фидокорона ишлашмоқда. Ёш авлод—бизнинг келажагимиз, уларнинг баркамол инсон бўлиб етишиши устоз-ўқитувчиларнинг фахридир.

М. АБДУҚОДИРОВА,
Собир Раҳимов районидаги Будённий номли 111-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ЗИЁКОРЛАР ОИЛАСИ

Муҳаббат инсоннинг энг гўзал фазилати. Инсон муҳаббати ҳаётга, она-Ватанга, оилага, одамларга, касб-корга хуллас кўп нарсаларга берилган бўлади. Шулардан бири касбга, ўз ҳунарига муҳаббатдир. Бу муҳаббат, бу ихлос инсон қалбида бир умр яшаб қолади. Уттиз-қирқ йил бир касбни севиб ардоқлаган, унга бошқаларнинг ҳам муҳаббатини жалб этган инсон фазилати ҳар қанча таҳсинга сазовор бўлади.

Машҳур педагог А. С. Макаренконинг ажойиб бир сўзи бор. У: «Мен педагоглик қилиб ўлсаму, кейин яна тирилиб қолсам, ҳеч бир иккиланмай яна ўқитувчилик касбини эгаллаган бўлардим», деган эди.

Ўз касбига меҳр-муҳаббат қўйган кишилар ана шундай фидокор бўлишади.

Октябрь қуёши нур сочган кун Эшонхон акалар оиласига қўшалоқ қувонч келтирди. Ўша нурафшон кунда орзиқиб кутилган тўнғич фарзанд— Сайдалихон дунёга келди. Билимга ташна Эшонхон ака қийинчилик билан илм зиёсидан баҳраманд бўлган эди. У Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шарқшунослик институтида узоқ йил ишлаб, араб тилларидаги ноёб асарларни ўзбек тилига таржима қилди. Билим хосиятини яхши тушунган Эшонхон ака фарзандларининг зиёли кишилар бўлишини орзу қиларди. Унинг орзулари Совет ҳокимияти даврида тўла амалга ошди.

Тўнғич ўғил Сайдалихон Хўжаев ўқитувчилик касбини эгаллади. У ўз касбига укалари, сингиллари, фарзандларини ҳам эргаштирди. С. Хўжаев педагогликни завқ-шавқ билан давом эттираётган бир пайтда Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. Ёш педагог кўнгиллилар қатори Ватан мудофаасига отланди. У уруш йиллари рота командири сифатида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, ғалаба нашидаси билан она юртига қайтиб келди. Уруш ва меҳнат ветерани, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Сайдали Хўжаев 15-ўрта мактабда узоқ йиллар математика ўқитувчиси ва илмий бўлим мудири бўлиб ишлади.

Сайдали аканинг турмуш ўртоғи Кароматая Хўжаева ҳам шу мактабда 38 йил ёшларга дарс бериб келди. У ҳозир пенсия гаштини суриб юрибди.

Ота-оналари изидан бораётган Сурайё Хўжаева 63-ҳунар-техника билим юртида ёш бинокорларга она тилидан дарс бериб келмоқда. У билим юртида адабиёт тўгарагини бошқариб, ёшларнинг эстетик завқларини, билимларини бойитяпти.

Шундай одамлар бор бўлсин

Математика фани ошиғи Мунаввар Хўжаева 25 йилдирки 186-мактабда дарс бериб келяпти. Азиза, Мунирлар ҳам ота зиёсидан баҳра олиб, 15-мактабда физика-математика фанларидан ёшларга қунт билан сабоқ беришмоқда. Илёс ака Хўжаев бир неча йилдан бери 92-мактабда ёшларга меҳнат кўникмаларини ўргатмоқда. Илёс ака бахтнинг калити—касб-меҳнат эканлигини чуқур сингдириш учун меҳнат кабинетини меҳнатга чорловчи «Ишчи номи —шарафли ном», «Инсон ўз ҳалол меҳнати билан гўзал», «Касбларнинг ёмони йўқ, ҳар бир касбни пухта эгаллаган киши элда азиз» каби шиорлар билан безатган. Илёс ака ёшларда касб-ҳунарга, меҳнатга муҳаббат уйғотишда бор билимини, иқтидорини сарф этаяпти.

Сайдали аканинг сингиллари, укалари ҳам педагоглардир. Мўътабар Хўжаева моҳир химия ўқитувчиси. Унинг қатор мазмунли ва пухта методик докладлари, очиқ дарсларининг методик пухта, комплекс таълим-тарбия асосида ўтилгани учун шаҳар Совети ижроия комитети халқ маорифи Бош бошқармаси Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Моҳир педагог бир неча йилдан бери 70-мактабда химия фанидан дарс бериб келмоқда.

Мана, қаршимда ўқитувчиликка меҳр уйғотган, улар қалбида аланга ёқа олган, ўқитувчиларнинг меҳрибон устози, сахий қалб, олижаноб инсон Сайдали ака ўтирибди. Унинг қировдек оппоқ сочларининг ҳар бир толасида, юзларидаги маъноли чизиқларда олам-олам сир яширинган. Буларда минг-минглаб собиқ шогирдларининг қувончи, ташвиши, кунларни тунларга улаб қилинган изланишлар, мазмунли умрнинг сарҳисоб қилувчи маънолар мужассамлашганини ҳис этиб турибман.

С. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

Тошкентдаги «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи тўққиз ой мобайнида пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Ҳозир корхона коллективи ўртасида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига бошланган юбилей олди меҳнат вахтаси тобора кенг қулоч ёзмоқда. Сиз мана бу фотолавҳада корхона контроль кабеллар цехининг илғор ишчиларидан (чапдан—ўнгга) М. Мирафзалова, Р. Гатаулина, В. Азизов, М. Руднева, В. Лазерев, В. Ведутларни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

СОФИЯ. Болгариянинг қўҳна Пловдив шаҳри байрам либосида. Мамлакатдаги энг катта саноат марказларидан бирининг бинолари, кўчалари ва майдонларини шу кунларда байроқлар ва ранг-баранг транспарантлар безаб турибди. Виставка шаҳарчасининг марказий кириш жойида бу ерда очилган 38-халқаро кузги саноат ярмаркаси қатнашчилари бўлган 35 мамлакатнинг давлат байроқлари ҳилпираб турибди. Ярмарка очилиш маросимида БКП Марказий Комитетининг Бош секретари БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков иштирок этди.

Бу ерда қарийб 2.300 та ташқи савдо ташкилоти ва фирмалари илмий-техника тараққиётининг сўнгги ютуқларини намойиш этмоқда. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган Совет Иттифоқи экспозициясига ярмаркада кенг ўрин берилган. Совет Иттифоқи павильонининг стендларида мамлакатдаги қарийб 400 та саноат корхонасида ишлаб чиқарилаётган 1.800 дан кўп номдаги маҳсулот қўйилган.

«СССРда космик тадқиқотлар» тематик бўлими айниқса гавжум. Бу бўлим, жумладан, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг космик фазони биргаликда ўрганаётганликлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Совет павильонида бу йил Қозоғистон ССРга алоҳида бўлим ажратилган. Бу бўлим экспонатлари қозоқ халқи совет ҳокимияти йилларида эришган ютуқларининг, ленинча миллий сиёсатнинг муваффақиятли равишда амалга оширилаётган л и г и нинг ёрқин далилидир.

Ярмаркада СССРнинг миллий куни ўтказилди. Болгария ва совет ташқи савдо ташкилотлари ўртасида ўзаро айирбошлаш тўғрисида дастлабки шартномалар имзоланди.

* * *

Т. Живков совет павильонини томоша қилганидан кейин фахрли меҳмонлар китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйди: «Совет павильони экспозициясини зўр қизиқиш билан ва астойдил қойил қолиб кўздан кечирдим. Буюк тарихий воқеа — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган экспозиция ўзининг шонли ленинча партияси раҳбарлигида КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошираётган қардош совет халқининг катта ва кўп томонлама муваффақиятларини ёрқин ва ишончли тарзда очиб беради».

ДЎСТЛИК НАМУНАСИ

АДДИС — АБЕБА. Дир-дауа шаҳрида цемент заводи қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши СССР билан Социалистик Эфиопия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома муваффақиятли рўёбга чиқарилаётганлигининг конкрет намунаси бўлиб қолди. Мазкур завод мамлакатда шу тармоқнинг энг катта заводи бўлади. Йилига 600 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона фойдаланишга топширилганидан кейин ана шу бинокорлик материалини ишлаб чиқариш уч баравар кўпаяди.

Дир-даудаги завод мамлакатда қудратли бинокорлик саноатини вужудга келтириш борасида Эфиопия социалистик ҳамдўстлик давлатлари билан қилаётган ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг биринчи объекти эмас. Мугерда цемент заводи қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда, завод Совет Иттифоқи, ГДР ва Кубанинг ёрдами ҳамда техникавий кўмаги билан барпо этилмоқда. Мана шу биргаликдаги лойиҳаларнинг ниҳоясига етказилиши Эфиопияга мамлакатнинг цементга бўлган ички эҳтиёжларини батамом таъминлабгина қолмай, шу билан бирга уни Африкадаги қўшни мамлакатларга экспорт қила бошлашига ҳам имкон беради.

ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ

КОПЕНГАГЕН. Дания «умумий бозор»га аъзо бўлмасдан ҳам яшай олади ва ана шу тор доирадаги савдо-иқтисодий гуруҳдан чиқиш учун ғоят кўп куч-ғайрат сарфлаши зарур. Бу ерда бўлиб ўтган «Даниянинг Европа Иқтисодий Ҳамжамиятидан чиқиши учун кураш халқ ҳаракати» конференцияси қатнашчилари ана шундай хулосага келдилар. Конференция ишида мазкур ҳаракат маҳаллий бўлимларининг 450 делегати, бир қанча сиёсий партиялар, касаба союзлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар. Улар кўп миллатли монополиялар зўравонлигига қарши, Даниянинг мустақиллиги ва эркинлигини ҳимоя қилиш учун курашаётган барча кучларни бирлаштириш зарур деган фикрни билдирдилар.

Конференцияда Дания Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига аъзо бўлгандан бери ўтган ўн йил мобайнида мамлакатда ишсизлар рекорд даражада кўпайганлиги уқтириб ўтилди. 1972 йилда мамлакатда 33 минг киши ишсиз эди, ҳозирги пайтда эса уларнинг сони 270 минг кишидан ортиб кетди. Шу давр ичида мамлакатнинг тўлов балансидаги камомат 0.5 миллиард кронадан 20 миллион кронага кўпайди. Даниянинг ташқи қарзи анча ошди.

● Она-ер сирлари

Сайёрамиз иқлими ўзгарадими?

Қадим замонлардан бери биз истиқомат қилаётган Ер сайёрасининг иқлими ўзгариб туриши натижасида, унинг ташқи қиёфаси ҳар хил тусга кирган. Мисол учун, қалин муз қатлами билан қопланган Антарктида қитъасида тошкўмир қатламларининг топилиши, у ерларда бир замонлар қалин ўрмонзор бўлганидан дарак беради.

Хўш, иқлим яна ҳам ўзгаришдами? Сайёрамизда кейинги юз йил ичида мунтазам олиб берилаётган метеорологик кузатишларга кўра, охирги кичик музланиш даври тугагач, 1880 йилдан ёғин-сочинларнинг камроқ ёғиши ва ҳаво ҳароратининг одатдагидан кўра анча кўтарилиш даври бошланди. Иқлимнинг бу илиши XX асрнинг қирқинчи йилларигача давом этди.

Об-ҳавонинг исиши, асосан, Шимолий ярим шарда сезиларли бўлиб, 1920 йилларга келиб анча авжига чиқди. Шу билан бирга, иқлимдаги бу ўзгаришлар жанубий ярим шарда анча суст ривожланди. Ҳаво ҳароратининг ошиши табиатни бутунлай уйғунлаштириб юборди. 1919—1928 йиллари Баренцев денгизида сувнинг ҳарорати аввалги йилларга нисбатан 1,8 даража целсий ошиб кетди. Шимолнинг Антарктидаси ҳисобланган Гренландия оролида ҳаво ҳарорати 5 даража целсий, Шпенбергенда эса 8—9 даража целсийга ошиб, музликлардан айсбергларнинг ажралиши кўпайди.

Кунларнинг исиб кетиши тоғдаги музликларга жуда таъсир кўрсатди. Альп тоғларидаги музликлар йилига 100—150 метр чекина бошлади. Музликларнинг чекиниши Норвегияда, Швецияда, Исландияда, Шпенбергенда, Ўрта Осиё, Кавказ тоғларида ҳам кузатилди.

1880—1940 йиллар ичида абадий муз билан қопланган жойлар майдони қисқарди, жанубда яшайдиган қушлар шимол тарафга учадиган бўлиб қолди. Сайёрамиздаги бу «жаннатий» шароит узоққа чўзилмади. Халқимиз, ҳар бир иссиқнинг совуғи ҳам бўлади, дегандек, Она-Еримизга совуқ кунлар кела бошлади.

Асримизнинг қирқинчи йилларидан бошлаб, қиш ойлари ёққан қор миқдори ошди, қаҳратон қиш кунлари кузатила бошланди. Бу совуш жараёни кейинги йиллари анча авжига чиқиб, жануб районларга, шу жумладан, Ўрта Осиёга ҳам тарқалди. 1958—1963 йиллари Шимолий ярим шарда ўртача ҳаво ҳарорати 0,6 даражага камайди, лекин бу совуш жанубий ярим шарга унчалик тааллуқли бўлмади, баъзи жойларда, масалан, Австралия қитъасида унинг акси кузатилди.

1890—1940 йиллари Австралияда ҳаво ҳарорати бир даражага пасайиб, 1940—1950 йиллари эса ўзгармасдан, меъёрида бўлди. Австралияда мунтазам ишлаб турган 70 та метеорологик станцияларнинг кўрсатишича, ҳаво ҳарорати анча оша бошлаган. Бу ҳол Янги Зеландияда, Антарктида қирғоқларида ҳам кузатилди.

Асримиз олтмишинчи йилларининг охиридан бошлаб сайёрамиз бўйлаб иқлимнинг исиши кузатилаяпти. Совет иқлимшунос олими М. И. Будико инсоннинг ҳозирги замон фаолиятининг биосферага таъсирини ўрганиб, яқин келажакда иқлимнинг янада исиши давом этишини билдирди. Келажакда ҳам ёнилғидан фойдаланиш суръати янада ўсиши, атом энергияси ва энергиянинг бошқа турларидан фойдаланиш суръатининг ошиши натижасида ҳаво ҳарорати тез суръатда кўтарилиши мумкин.

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.

«Завқли машғулот». Р. Альбеков фотоэтюди.

ШАНБА ОҚШОМИ

Ҳикмат гуллари

Доноларнинг ақл чироғи

△ Ал-Ақнафнинг кечириши ҳам, мулойимлиги ҳам кўп эди ва у шундай дерди:

— Бирор киши менга озор берса, уч нарсанинг бирига амал қилиб, хафа бўлмайман: агар озор берувчи фазилатда мендан устун бўлса, унинг озорини ўзим учун фойда ва фазилат деб биламан. Борди-ю мен билан тенг бўлса, тенглигини ҳурмат қиламан, агар ўзимдан паст бўлса, унинг нокаслиги учун кечираман.

△ Айтадилар:

— Кимки ўз нарсасининг баъзи қисмини ато қилиб, баъзисини ўзи учун қолдирса, демак у саховат эгасидир. Кимки ўзидаги нарсасининг кўп қисмини ато қилса, демак у жўмардлик эгасидир. Кимки ўзига зиён бўлса-да, барча нарсасини бериб юборса, демак у нисор эгасидир.

△ Саховатнинг асли — очиқ қўллилик.

Ҳакимлардан бири айтади:

— Яхшиликнинг асоси саҳийликдадир. Саҳийликнинг асоси эса нафсни ҳаром ишлардан покиза тутишда.

△ Олимлардан Аксум айтади:

— Яхшилик соҳиби сиғирчиликда қолмайди. Борди-ю, қолса ҳам, уни суядиганлар топилади.

△ Бир тошга шундай хат битилган эди:

— Имконинг бор экан, фурсатни ғанимат бил, ета олмаган нарсангга ғам чекиб жонингни қийнама! Билгинки, ўз нарсангни ўзинг ейишга қизғанасан, ўзгалар хазинасига мол тўплаган бўласан!

△ Яҳё ал-Бармакий айтади:

— Бойлигингдан ўзгаларга эҳсон қил, бойлик топиладиган нарса, бировларга ато қилиш билан тугаб битмайди. Қўлингда бойлик мавжуд бўлса, бошқалар билан бирга баҳам кўргил, у абадий турувчи ҳам эмас, куни келиб, қўлингдан бутунлай кетиши мумкин.

△ Бир араб олими айтади:

— Саховатга эга бўлган кишининг ваъдаси нақд ва тез амалга ошувчи бўлади. Ишёқмас одамнинг ваъдаси кечга чўзилувчи ва баҳонали бўлади. Чиройли узр — кечга чўзилувчи ваъдадан афзал.

△ Шоирлардан Солиҳ ал-Луқмий айтади:

Офатлар жам бўлганда энг ёмони бахиллик,
Бахилликдан ҳам ёмон вафоси йўқ ваъдадир.

△ Айтадилар:

— Кимнинг садоқати кам бўлса, садоқатли дўстлари оз бўлади!

△ Садоқат — бирор нарса ҳақидаги ҳаққоний иш ёки хабар бўлса, ёлғончилик — ўша нарса ҳақидаги тескари хабардир.

△ Убадий айтади:

Инсон — одам ичинда кўбтур одам сувратлиқ,
Ҳамдамлиққа маънилик одам керак, дўстларим.

△ Айтадилар:

— Манманлик фақат пастқаш одамдагина бўлади.

△ Бир ҳаким айтади:

— Манманлик — ақл камчилигининг белгиси. Манманлик — инсоннинг эл ичига солган барча яхшилигини йўққа чиқаради, эл ичида машҳур бўлган фазилатларини барбод қилади. Битта ёмонлик барча яхшиликларни маҳв этувчидир.

△ Олимлардан Али айтади:

— Ҳасадчи — гуноҳсиз одамга ғазаб қилувчидир.

△ Айтадилар:

— Уч нарса борки, бу уч соҳибга ҳеч қачон фароғат келтирмайди. Булар ғина қилиш, кўролмаслик ва бадхулқликдир.

△ Бир араб айтади:

— Ҳасад шундай касалликки, у ҳасад қилинувчидан кўра ҳасад қилувчига кўпроқ зарар келтиради.

△ Абуллайс ак-Самарқандий айтади:

— Ҳасадчининг ҳасади ҳасад қилувчига етиб бормасдан аввал ҳасад қилувчининг ўзига бешта зарари етиб боради. Биринчиси — поёни йўқ ғам. Иккинчиси — тақдирлашдан ҳоли бўлган мусибат. Учинчиси — таҳсини йўқ ёмонланиш. Тўртинчиси — одамларнинг ғазаби. Бешинчиси — раҳм эшикларининг бекилиши.

△ Убайдий сўзи:

Кимки жабру-зулм этар санга, мукофотин топиб,
Бўлғусидир охир ул нодон пушаймон, ғам ема!

△ Олимлардан Умар айтади:

— Сен шод бўлган пайтда, ҳасадгўйнинг ғамгин бўлиши ҳасадгўй учун жазо сифатида кифоядир.

М. ҲАСАНОВ тайёрлаган.

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор

ОЛТИН КУЗ САХОВАТИ

Халқимизда ажойиб нақл бор: «Кузнинг қандай келиши — баҳордан маълум». Фасллар хазинаси бўлмиш — куз фасли тўкчилик рамзидир. Ўз оти билан «олтин куз», яъни дов-дарахтлар пишиб етилган, уларнинг ҳаттоки новдалари-ю, баргларигача олтинранг бўлиб, қуёшнинг зарин нурларида жилва қилиб, майин куз шабадаларида ўйноқлаб турибди.

Табиатнинг ажойиб туҳфаси она-Еримизнинг қадр-қиммати, саховати ва инсонлар тақдирида тутган ўрни беқиёсдир. Ер жамики бойликларнинг, неъматларнинг онаси ҳисобланади. Табиатни севиш, уни асраш, гўзаллигига гўзаллик қўшиш, ён-атрофни кўкаламзорлаштириш, боғ-роғларга айлантириш ҳам она-Ерни севиш демакдир. Чунки заминнинг кўрки дарахтлар, гуллардир. Қадим-қадимдан кимда-ким кўчат экиб, боғ бунёд қилса, бундай киши эл-юрт ардоғига сазовор бўлган.

Ҳар бир инсон дунёга келибоқ биринчи қадамини ерга қўяди. Ер бизни кийдиради, едиради, ардоқлайди. Она қўйнида қандай яйраб-яшнасак, замин тафтида шунчалик униб-ўсамиз, вояга етамиз. Фаровон қуёш саховатли меҳрини ҳеч кимдан дариғ тутмайди. Ундан ҳар бир дарахт, ҳар бир гиёҳ ўзича баҳра олади. Ҳар бири баҳоли-қудрат ўз миннатдорлиги, шукронасини қуёшга айтади.

Куз фаслида бепоён қиру-даштларнинг манзарасини кўрганмисиз? Қушларнинг наъшунамо билан сайрашларидан сархуш бўлганмисиз? Инсоннинг она-Ерга муҳаббат изҳор қилган дамлари сурурини тотганмисиз? Юлдузлар чарақлаган шундай гўзал кечада, ғир-ғир эсиб турган майин шабадада ғарқ пишган ғалланинг хушбўй ҳидини ҳис қилиш қандай роҳат бағишлашини биласизми? Бундай сўлим кузги тунда йўл юришнинг ўзига яраша гашти бор.

Тўлин ой ёруғида жилваланиб, мавжланиб оқаётган сойга боқсамиз, сув остидаги майда тошчаларга термулиб ие-не гўзалликларни бизга туҳфа этган табиатга беихтиёр тасанно дегимиз келади. Мана, кўз олдимизда кафтдек текис, бепоён дала. Узоқдан худди оппоқ палос ёйилгандек, пахтазор майдони ястланиб ётибди. Ҳамма «оқ олтин» даласига, жонажон пахтазорга отланмоқда. Бугун ҳаммамиз пахтакормиз! Ўзбек аҳлининг ғурури, сурури, орномуси ҳисобланган пахтани йиғиб-териб Ватанга берган ваъдани бажариш вақти ҳам олтин кузимизда якунланади.

Шарофатли куз фаслимизнинг кўп хислатларини кўриб қувонмай бўладими? Куз неъмати — қиш ғаниматидан, деб бекорга айтилмаган. Қиш ва баҳор фаслларида бекаму-кўст яшаш учун куз ойида баракали меҳнат қилмоқ, пишиқчиликни ўз вақтида йиғиб-саранжомлашга боғлиқдир.

Куз фаслининг сўнгги ойида кунлар анча қисқариб қолади, ой бошларида Тошкентда кундуз 10 ярим соат давом этса, ой охирида эса 9 соату 29 минутга тенг бўлади. Ҳаво совий бошлайди. Бу фаслда республикамизнинг деярли ҳамма жойида дарахтлар барги сарғайиб, олтин либос кияди, ой охирига келиб деярли ҳамма дарахтлар баргини тўкиб бўлади. Агар азим дарахтлар барги тепа шохидан бошлаб тўкилса, қиш совуқроқ ва барқарор келади, агар пастки шохдан бошлаб тўкилса, қишда об-ҳаво тез-тез ўзгариб, бир совиб, бир илиб туради.

Бу фаслда пахтакорларимиз тоғ-тоғ хирмонлар уйиб, қолган ҳосилни йиғиштиришга ошиқсалар, боғбон ва сабзавоткорларимиз мева, сабзавот ва полиз экинларини охиригача йиғиб олишга шошиладилар.

Ер ҳайдасанг — куз ҳайда, куз ҳайдамасанг — юз ҳайда, деган мақолга амал қилган тажрибали деҳқонларимиз бўшаган ерларни пешма-пеш баҳорги экинларга тайёрлайдилар. Бундан ташқари, бу фаслнинг яна бир қанча хусусиятлари борки, тирик жонзот учун энг зарур бўлган бебаҳо ҳаётий озуқалар ҳаммаси шу фаслда бунёдга келади. Кузги ишлардан ҳисобланган баъзи бир экинларни сифатли қилиб экишдан тортиб, дарахтларга ишлов беришгача боғлиқдир. Кузги экинларга асосан — кузги буғдой, арпа, жавдар ва бошқалар киради. Экин уруғи кузда сепилади, кўкариб чиққан майсалари қор остида қишлаб чиқиб, кейинги йил баҳорда илиқ кунлар бошланиши билан ривожланади ва ҳосил беради. Кузги экинлар баҳорда экилса, вегетатив органлари — илдиз системаси, барг тўпланувчи поялар яхши ривожланади, аммо генератив органлар пайдо бўлмайди. Ҳосил тугмайди. Яровизация қилинган уруғ баҳорда экилса, ривожланишнинг ҳамма фазаларини ўтиб, экилган йили ҳосил беради. Кузги экинлар баҳорги экинларга нисбатан серҳосил.

Мен табиат билан инсоннинг чамбарчас боғлиқлигини акс эттирган беҳисоб мисоллардан мисқоллар келтирдим, холос. «Олтин куз»имизнинг ҳар бир куни хушчақчақлик, унумли меҳнат билан ўтсин, «оқ олтин» хирмонимиз баракали бўлсин!

О. КАРИМОВА.

БИЛАСИЗМИ?

Яқинда Афинада дунёда биринчи Оналар музейи очилди. Унинг ташкилотчиси Христос Экономопулос бўлиб, у она ва болага тааллуқли бўлган буюм ва предметларни, туғилиш, овқатланиш, кичкинтойларнинг болалар муассасаларига боришлари, болалар ўйинлари ва бошқаларни сақлаб қолишдан иборат мақсадни кўзлаган.

* * *

Фин кемасида ваҳима бошланган вақтда Испания қирғоқлари томон яқинлашарди. Матрослар бир овоздан, кеманинг юк ортилган бўлмасидан қандайдир хаёлий шарпа эшитилаётганлигини такрорлар эдилар. Саросимада қолган капитан ёрдамчилари билан тезда трюмга тушдилар ва у ердан тез орада кучли қаҳқаҳа янгради. Маълум бўлишича юк бўлмасига «гапирувчи» қўғирчоқлар солинган яшиклар жойланган экан. Кема тўлқинда силкинган вақтда улар мардона қичқира бошладилар: «Мама!».

* * *

Италияда чекишдан воз кечишга ёрдам берадиган зажигалка ихтиро қилинди. Кашанда чекиладиган навбатдаги сигаретани чиқариши билан зажигалканинг ён томонида шу бугунги чекилган сигареталар сони ва сўнгги чекишдан бери ўтган вақтни кўрсатади. Бир неча ашаддий кашандалар ўртасида ўтказилган тажриба шуни кўрсатдики, бу йўл билан чекилган сигареталар миқдори уч баробарга камайган.

НАБОТОТ — ҲАЁТ МАНБАИ

ҚИЗИЛ ДАРАХТИНИНГ ХОСИЯТИ

Қизил деб ном олган бу дарахт ажойиб кўринишда бўлади. У баъзан бутасимон ўсимлик, қизилдошлилар оиласига мансуб. Қизил ёввойи ҳолда Қрим ва Кавказ тоғларида табиий ўрмонларда ўсади. Туапсе шаҳрига яқин тоғ ўрмонларида бу тур дарахтдан ташкил топган бир қанча йирик қизилзорлар бор. Сунъий ҳолда бу ўсимликни СССРнинг жанубий қисмида, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида учратиш мумкин.

Тошкент шаҳрида ва унинг атрофидаги қишлоқларда бу мевали ўсимликни ҳаваскор боғбонлар Кавказ ва Қримдан кўчатларини олиб келиб, шу асрнинг бошида жуда кўп миқёсда кўпайтира бошлаганлар. Кейинчалик бу қимматбаҳо ўсимлик республикамизнинг бошқа областларида ҳам кенг кўламда тарқатилган.

Қизил эрта баҳорда (февраль—март) ҳали барг чиқармасдан илгари гуллай бошлайди. Гуллаш тўлқинлари учта-тўртта, тўққизил бўлади. Гўштли мевалари июль ойида пиша бошлайди, уни то октябрь ойигача терса бўлади.

Меваси чўзинчоқ, икки-уч, баъзан тўрт сантиметр келадиган бўлади. Уруғи — данак, узунлиги бир ярим сантиметргача, кенглиги эса беш-олти миллиметргача боради. Уруғи этидан ажратилиб кузда экилади, кўкламда ўсимталари пайдо бўлади.

Қизилнинг меваси нордонлиги учун уни энди пишганида истеъмол қилмай, мураббо, пастила, смоква ва карамеллар учун (аввал пюре тайёрланиб) фойдаланилади. Бундан ташқари, сироплар, «дерновка» ликёри тайёрласа бўлади, виночиликда нордонлиги паст бўлган олма ва нокларга қўшимча қилиб вино тайёрланади.

Меваси таркибида 9,21 процент шакар, 2,28 процент олма кислотаси ва бошқа моддалар бор. Бизнинг шароитимизда оддий йирик мевали, ноксимон, оқмевали, испан, цареград (истамбул), султон назлари ва 13 та боғ шакллари бор.

К. ОРИФХОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Ф. Н. Русанов номидаги ботаника боғининг катта илмий ходими, биология фанлари кандидати.

Дам олиш соатида

«МАШҲУР КИШИЛАР» КРОССВОРДИ

ЭНИГА: 1. Совет ботаник олими. 2. Таниқли цирк ва кино комик артисти. 5. Қадимги юнон математиги. 7. Рус совет ёзувчиси. 9. Француз ёзувчиси «Орлеан қизи» асари муаллифи. 11. Физик олим, тез ишловчи ҳисоблаш машиналари ихтирочиси. 13. Машҳур радио диктори. 15. Ўзбек бастакори, академик.

БЎЙИГА: 2. Биринчи ўзбек актрисаси. 4. Улуғ рус шоири. 6. Инглиз табиатшунос олими. 8. Америка ёзувчиси, машҳур реалистик асарлар муаллифи. 10. Таниқли физик олим, механика қонунлари кашфиётчиси. 12. Рус революцион-демократи, ёзувчи ва публицист. 14. Жаҳон тасвирий санъати тараққиётига муҳим ҳисса қўшган италиян рассоми, уйғониш даври вакили. 16. Ўзининг дунёга машҳур сатирик фильмлари билан танилган актёр ва режиссёр.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

25 СЕНТЯБРДАГИ «ЧАЙНКРОССВОРД»НИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Турсунзода. 2. Аъзамов. 3. Воронеж. 4. Жабаев. 5. Ватан. 6. Норин. 7. Норак. 8. Кавказ. 9. Зайнаб. 10. Бровка. 11. Азгура. 12. Аккордеон. 13. «Нарвон». 14. Нўхат. 15. Тула. 16. «Азамат». 17. Тоға. 18. Астат.

Цифрограммада «Дўст — жон озуғи» (Мақол).

* * *

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга А. Аюбов, М. Турсунов, С. Равшанов, К. Нурматова, В. Очилов, Х. Бобоев, Ш. Шоикромов, Т. Жумаев, Б. Соатова, Я. Обидов, А. Икромова, М. Абдуқодирова, С. Расулов ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб ёзишган. Хат йўллаган оқшомхонларга редакция ташаккур билдиради.

Шаҳримиздаги М. Ашрафий номли 11-болалар музика мактабида ёш санъаткорлар тарбия олишади.

СУРАТДА: фортепьяно бўйича педагог Татьяна Богдасарова 7-синф ўқувчиси Инна Гичка билан машғулот ўтказмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Қизиқарли пазандалик

РАМЗИЙ МАСАЛЛИҚЛАР

Инсон озуқасидаги турли масаллиқлар турли халқларда бирон воқеанинг рамзи бўлади. Арабларда кофе меҳмондўстлик рамзи эканлиги ҳам қизиқ. Бедуин ёки фаллоҳнинг уйига кимки қадам ранжида қилса дарҳол қора ва аччиқ кофе дамлаб берилади. Кофени уй бекаси эмас, эркак мезбоннинг ўзи ёки ўғли дамлайди, ё бўлмаса юмушга маҳалланинг кофепази таклиф этилади.

Меҳмонга кофени катта пиёлада қуйиб берадилар, у пиёлани кўрсаткич ва бош бармоғи билан ушлаб туради, мезбон назокат билан икки-уч ҳўплаб қуяди. Одатга кўра меҳмон уч пиёла ичиши керак. Мартабалироқ меҳмонга қайта-қайта таклиф қилинади.

Кофе дамлашнинг ўзи бир издаҳом: кофе чойнагига қуюқ қилиб эзиб ивитилган кофе (шарбат)дан пича қуйиб ўтга қўядилар, қайнаб чиққач бир оз сув қўшадилар, яна ўтга қўядилар, қайнагач кофе талқони соладилар-да яна оловга қўйиб учинчи марта қайнатадилар. Бу жараён меҳмоннинг ҳузурида ижро этилиб, унга бўлган ҳурмат шу қадар эканлиги ифода қилинади.

Баъзан кофега долчин ёки анбар қўшиб ҳам дамлайдилар. Дастлаб мезбоннинг ўзи бир пиёласини ичиб, сўнг бош меҳмонга, кейин бошқаларга қуйиб беради.

Кофехўрлик у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтириш билан давом этади. Агар суҳбат ортиқча узоқ чўзилиб кетса, меҳмонлар ҳалибери ўринларидан туришмайдиганга ўхшаса унда мезбон бухўр тутатади. Бухўр — ўсимлик бўлиб, уни исирик сингари чўққа ташланса тутаб атрофга хушбўй ҳид таратади. Бухўр ҳиди меҳмонларга «Бўлди, кетинглар энди» деган ишорани англатади.

К. МАҲМУДОВ.

ДИПЛОМ ИШИГА БАҲО

Қорақалпоқ Давлат ёш томошабинлар театри саҳнасида А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомчилик институтини битириб чиқувчиларнинг диплом иши премьераси бўлиб ўтди. Улар Мольернинг «Скапеннинг иши» комедиясини кўрсатдилар. Ўқув театрида саҳналаштирилган спектакль профессионал ижодий коллектив репертуарига кирди. Бу коллективга кечаги студентлар келиб қўшилдилар. Уларнинг ҳаммаси Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театри учун артистларни тайёрлаш мақсадида институт қошида ташкил этилган актёрлик группасида таҳсил кўрганлар.

(ЎзТАГ).

РАССОМ ТАБАССУМИ

Ғийбатилло: — Кўчалари уйқим ўчиб кетади, дўхтир. Хаёлимда дунёда бир ўзим қолиб, кимни иғво қилишни билмай ўзимни ўзим емираётган эмишман.

— Қаймоқни сувдек ичаркансиз, келинпошша, сигир соғишни ҳам биласизми?

— Пахтазорда бир жавлон уриб кел дегандингиз, тайёрман хўжайин.

Қайсархон: — Войдод! Нега ақл тишимни суғириб олдинг?!..

А. Холиқов расмлари.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. АШРАПОВ: Улуғ Ватан урушининг учинчи группа инвалидиман. Хусусий уй-жой қуриш учун ўзим ишлайдиган корхонадан қарз олишга ҳақлиманми?

Жавоб: СССР Министрлар Советининг Улуғ Ватан урушининг инвалидлари, уруш йилларида боқувчисидан айрилган оилаларга имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарорида кўрсатилишича Улуғ Ватан уруши инвалидларига хусусий уй-жой қуриш учун 1000 сўмгача қарз берилади. Бу қарз 10 йил давомида узилиши керак. Олинган қарз учун пения ҳам, жарима ҳам тўланмайди.

* * *

Ш. ВОҲИДОВ: Менга иш ҳақининг минимал миқдори ойига неча сўмгача етказилиши мўлжалланаётганлиги ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.

Жавоб: Иш ҳақининг минимал миқдори — бир ой мобайнида ишлаганлик учун тўланиши давлат томонидан гарантиялаб қўйилган меҳнат ҳақининг энг кам даражасидир. Ишчи ва хизматчиларнинг тариф системасида кўзда тутилган ойлик ставкалари (маошлари) ҳар қандай шароитда ҳам иш ҳақининг минимал миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

1968 йил январдан бошлаб иш ҳақининг минимал миқдори ойига 60 сўм қилиб белгиланди, кейинчалик ишлаб чиқаришда, сўнгра эса халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тармоқларида 70 сўмгача оширилди.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида иш ҳақининг минимал миқдорини аста-секин ойига 80 сўмга етказиш кўзда тутилган.

Ишлаб чиқариш тармоқларидаги ходимлар меҳнатига иш ҳақининг минимал миқдорида бериладиган ҳақ ойлик иш ҳақининг шу миқдордан пасайиб кетиши унинг айби билан эмас, хусусан ишлаб чиқариш нормаларининг бажарилмаганлиги, яроқсиз маҳсулот чиқарилганлиги ёки ишда бекор туриб қолиш сабаблари юз берган тақдирда ҳам тўланади. Бу гарантия башарти ходим қонунда белгиланган иш вақти давомида ишда бўлган тақдирда амал қилади. Агар ходим бир ойда тўлиқ ишламаган бўлса, бу ҳолда унга тўланадиган иш ҳақи миқдори шу ойда ишланган вақтга пропорционал тарзда белгиланади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ходимларнинг иш ҳақининг минимал миқдорини шу ходимларнинг меҳнат ҳақи янги шартлар жорий этилгунга қадар ҳақиқий иш ҳақи (ўриндошлик йўли билан оладиган иш ҳақи ҳам шу ҳисобда) тўлиқ ишланган ойда шу миқдордан кам бўлган ишчи ва хизматчилар учун ойига 70 сўмгача етказиб ҳақ тўлаш йўли билан амалга оширилади. Белгиланган иш ҳақи минимуми янги ставка ва маошлар пайдо бўлишига сабаб бўлмайди ҳамда амалдаги баҳолар ва бошқа турдаги меҳнат шартларини ўзгартиришга олиб келмайди.

* * *

К. ДОЛИМОВА: Айтингчи, ишчи ёки хизматчининг қарамоғида турган оила аъзоларига қараб улардан олинадиган солиқ чегириладими?

Жавоб: Ҳа, ишчи ёки хизматчи ўз қарамоғида тўрт ва ундан зиёд кишига эга бўлса, унинг маошидан олинадиган солиқ ҳажми 30 процентга камайтирилади. Бунинг учун ишчи иш жойидаги бухгалтериясига турар жойидан қарамоғидаги оила аъзоларининг миқдорини кўрсатадиган справка олиб келиб бериши лозим.

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Ҳафталик программа

4 ОКТЯБРЬ— ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Ёш гвардия». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 12.20 «Ўсмирлар ижоди». 12.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 ДнепроГЭСнинг 50 йиллигига. «Днепроэнерго» қуввати». 15.45 СССР Мудофаа министрлиги биринчи алоҳида намунали оркестрининг концерти. 16.35 «Тантанали равишда ваъда бераман». Телевизион ҳужжатли фильм. 3-фильм. 17.35 «Сиз яратган боғ».

18.05 «Космик даврининг 25 йиллиги». 18.35 Рус композиторларининг романслари. 18.55 Мультфильм. 19.00 «Футбол шарҳи. 19.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ягона оилада». Тожикистон ССР. Тожикистон Компартия Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Набиев сўзи. «Асрларга тенг йиллар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Душанба). Санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Поэзия альманахи. 23.15 «Дунё воқеалари. 23.30 «Юлдузлар сари». Концерт.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Драматик биология». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.40 Тарих. 8-синф. Якобин диктатураси. 10.00 «Октябрь». Илмий-оммабоп фильм. 10.10 «Рус тили». 11.05 «АБВГДейка». 11.35 ва 12.35 А. М. Горький. «Тубанликда». 10-синф. 12.05 «Фан оламида». Ўқитувчи экрани. 13.05 Умумий биология. 9-синф. Ирсият ва ўзгарувчанлик. 13.35 А. С. Пушкин эртаклари. 4-синф. 14.05 «Сен қонунни биласанми? 14.40 «Ўқитувчига — музика сабоғи». 7-синф 1-кўрсатув. 15.35 «Вс. Вишневский —ёзувчи, коммунист». 16.25 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 19.45 Теннис. Дэвис кубоги. СССР — Ҳиндистон терма командалари. Донецкдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Чемпион ўғли». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Паҳлавон-дон», «Айни ҳосил ўрим-йиғим пайти». Телефильмлар. 12.30 География. СССРнинг электроэнергетикаси. 13.00 «В. Шаталовнинг ер ва осмони». Телефильм.

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Қушлар байрами». Болалар учун фильм-концерт. 18.00 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.). 18.30 Космик давр бошланганлигининг 25 йиллигига. «Космонавт Владимир Жонибеков». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 19.00 «Фан ютуқлари». «Иссиқ иқлим шароитида ҳамда баланд тоғли жойларда автомобиль транспорти ва автомобиль йўллари». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Шеърият билан учрашув». Шуҳрат, Г. Нуруллаева, М. Али. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.25 Германия Демократик Республикаси эълон қилинган кунга. «Елғиз ўзи из қувлади». Бадиий фильм. 23.50 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. «Энг йирик ғалаба». 19.05 «Қизиқарли математика». 19.35 «Бизнинг Кренгольм». Телефильм. 19.55 Янгиликлар. 20.15 Экранда кинокомедия. «Хохановкалик артист». 21.30 МТ II.

5 ОКТЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Печкачилар». Телевизион бадиий фильм. 11.00 Мультфильмлар. 11.40 «Ҳайвонот оламида». 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Комбайндаги юлдузлар». Илмий-оммабоп фильм. 15.30 «Днестр тароналари». Кишинёвдан олиб кўрсатилади. 16.00 «СССРнинг монументал санъати». 16.30 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар!» ГДРдан олиб кўрсатилади. 17.30 «Шахмат мактаби». Бошловчилар синфи.

18.00 «Фан оламида». 18.45 «Қувноқ нотачалар». 18.55 «Уренгой—Ужгород» газ қувури трассасининг ғарбий участкасида. Трассанинг СССР ғарбий чегараларидаги сўнгги участкаси қурилишидан репортаж. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Орлёнок маршрутлари бўйлаб». Куйбишев шаҳрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ комсомол ҳарбий-спорт ўйинларининг финали ҳақида. 20.00 «Октябрь». Кинолавҳа. 20.10 «Ердаги из». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Биргалашиб қўшиқ куйлаймиз, дўстлар!». 23.25 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Тарих. 5-синф. Қадимий Мисрда. 10.05 ва 14.00 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига эстетик тарбия. Меҳнат ва ишлаб чиқариш маданияти. 11.35 ва 12.35 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 8-синф. СССР Конституцияси—Ватанимизнинг Асосий қонуни. 12.05 «Сиз яратган боғ». Ўқитувчи экрани. 13.05 М. Ю. Лермонтов. «Савдогар Калашников ҳақида қўшиқ». 7-синф. 13.35 Тарих. 7-синф. Киев Руси. 14.30 И. С. Тургенев. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.15 «Ҳосилдорлик нурлари». Илмий-оммабоп фильм. 15.30 «Пабло Пикассо — рассом, коммунист». 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Қадигир эртаклари». Илмий-оммабоп фильм. 19.05 БССРда хизмат кўрсатган артист Я. Евдокимов куйлайди. 19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Рига шаҳар музика ўрта мактаби болалар хори ҳамда Латвия ССР халқ артисти Р. Паулс ижросида консерваториянинг Катта залида концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Агар севсанг...» Телевизион бадиий фильм премьераси.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ҳақиқий дўстлар». Мультфильм. 18.15 «Ўсмирлар ижоди». 18.45 «Сен учун, пахта». Ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва пахтани қайта ишлаш учун янги техника яратиш ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Нон». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»). 20.00 Санъатшуносларнинг Халқаро симпозиуми. «Ўзбекистоннинг декоратив-амалий санъати». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ш. Файзуллаев концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 Германия Демократик Республикаси эълон қилинган кунга. «Елғиз ўзи қувлади». Бадиий фильм 2-серия. 23.40 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Эстетика асослари. Трагик ва комик (рус.). 18.50 «Шамол ҳамроҳ бўлсин». Телефильм. 19.00 Ўқитувчи экрани. 19.30 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Пойтахт области пахтакорлари ҳузурида». 20.50 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма. 21.30 МТ II.

6 ОКТЯБРЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Ердаги из». Бадиий фильм. 11.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.00 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Совет турмуш тарзи». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 15.55 «Ўсмирлар учун музикали программа». Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. 17.40 «Самсоновлар». Ҳужжатли фильм премьераси.

18.00 «Горичилар, қаердасиз!» 18.45 «Партия планлари — халқ планлари». Днепр ГЭСи — 50 ёшда. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Республика деб эълон қилинганлигининг 33 йиллигига бағишланган Германия Демократик Республикаси телевидениесининг программаси. «ГДР бўйлаб». Кинопрограмма. Эстрада усталарининг концерти. «Аёл киши қандай ҳал қилса». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Спартак». «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.20 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Қишлоқ хўжалиги». Киножурнал. 9.35 ва 19.35 Жамиятшунослик. 10-синф. Тарихий материалистик тушуниш. 10.05 ва 14.35 Немис тили. 11.05 В. И. Лебедев-Кумач шеърлари ва қўшиқлари. 11.35 ва 12.35 Умумий биология. 9-синф. Қушлар ва ҳайвонлар бир том остида. 12.05 «Ота-оналар, Сизлар учун». Ўқитувчи экрани. 13.05 И. С. Тургенев. «Оталар ва болалар». 9-синф. 13.35 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 8-синф. Совет жамиятининг сиёсий системаси. 14.05 Табиатшунослик. 3-синф. Ер устки қисмининг шакллари. 14.25 «Куз этюдлари». Илмий-оммабоп фильм. 15.05 «Сенинг ленинча кутубхонанг». 15.35 Эстетик тарбия. Санъат ва жамият. 1-кўрсатув. 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Ер планетасининг сири». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 «Танҳо сўз билан». Фильм-концерт. СССР халқ артисти И. Ильинский совет авторларининг асарларини ўқийди. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Спорт ҳафталиги». 21.15 Халқ куйлари. 21.30 «Время». 22.05 «Шахсий масалалар бўйича қабул куни». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Ботаника. Ўсимликлар ҳужайраларининг ҳаёти. 12.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 12.30 «Елғиз ўзи из қувлади». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қуён магнитофон топди». Мультфильм. 18.20 «До-ре-ми-фасоль». Мактаб ўқувчилари учун музикали ўқув кўрсатуви (такрорий). 18.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист У. Керменчекли ва Р. Меметов концерти. 19.30 «Ахборот (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.25 «Россия юраги». Бадиий фильм. 24.00 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Эстетика асослари». Трагик ва комик. 19.00 «Велосипед ихтиро қилишга эҳтиёж борми?». Телефильм. 19.10 Ўқитувчилар учун консультация. 19.40 «Улар 16 га тўлмагандилар». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик камалаги». Кинопрограмма. 21.30 МТ II.

7 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА
СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 10.40 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган янги нашрлар ҳақида. 11.10 «Бугун— СССР Конституцияси куни». Кўрсатувда СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси А. П. Шитиков иштирок этади. 11.40 «Ватаним қўшиқлари». Концерт. 12.05 «Коммунистлар». Совет шоирларининг шеърлари асосида композиция. 12.35 «Ота уйи». Деҳқон Лопатинлар оиласи ҳақида телевизион очерк. 13.20 «Дунё воқеалари». 13.35 Л. Минкуснинг «Балдерка» балети. С. М. Киров номли Ленинград Давлат академик опера ва балет театрининг спектакли. 15.55 «Аёл ҳақида диалоглар». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.45 «Хафель дарёсидаги Колумб». Телевизион бадиий фильм премьераси (ГДР). 17.00 «Севимли қўшиқлар». Киноконцерт. 18.45 «Чўчқабоқар», Мультфильм. 19.05 Оренбург Давлат рус халқ хорининг концерти. 19.50 «Ҳукумат аъзоси». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Ғаройиб концерт». СССР халқ артисти С. Образцов раҳбарлигидаги Давлат академик Марказий қўғирчоқ театрининг спектакли. 23.40 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика 9.20 СССР Конституцияси кунига. Ҳужжатли фильмлар программаси: «СССР Конституцияси ва совет қонунлари ҳақида». «Инсон фаровонлиги йўлида». «Биз ҳордиқ чиқарамиз». 10.10 «Дўстлар майдони». Целиноград шаҳри болалар ҳаваскорлик циркининг чиқиши. 10.40 «Шахсий масалалар бўйича қабул куни». Бадиий фильм. 12.10 «Стадион ҳамма учун». 12.40 «Екутистон АССР санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. 13.35 Болалар учун фильм. «Катта космик саёҳат». 14.40 «Олам кинокамера кўзгусида». 15.45 «Чин қалбдан». Воронеж область Семилук район меҳнаткашлари билан учрашув. 17.30 Театр афишаси олдида.

18.30 «Запасдаги офицер». Бадиий фильм. 19.50 «Энергиянинг иккинчи умри». Илмий-оммабоп фильм. 20.00 СССР халқ артисти А. Соловьяненко концерти. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 СССР Конституцияси кунига бағишланган музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 «Киев овозлари». Илмий-оммабоп фильм. 22.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК —«Шахтёр». 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 23.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» — «Динамо» (Москва). 2- ва 3-даврлар. Горький шаҳридан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Кинопублицист экрани». СССР Конституцияси кунига бағишланган. 10.55 «Сеҳрли най». Болалар учун фильм-концерт. («Ўзбектелефильм»). 11.20 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 12.00 «Қувноқ стартлар». 13.00 «Ўсмирлар коинотда». Бадиий фильм. 14.15 «Дўстлик ҳамма нарсадан афзал». Концерт.

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Катта пойгалар». Болалар учун ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 18.00 «Партия бизга бахт берди». Мактаб ўқувчилари учун адабий-музикали композиция. 18.40 «Республикам куни». Ҳужжатли фильм. 18.50 «Ҳаётимизнинг Асосий қонуни». Кўрсатувда Ўзбекистон ССР Адлия министрининг ўринбосари Қ. Аҳмаджонов иштирок этади. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Бахт ва иқбол тароналари». Ўзбекистон ССР Давлат телевидение ва радиоси халқ чолғу оркестри ва хори ижросида СССР Конституциясига бағишланган музикали-адабий композиция. 20.30 «Ахборот». 20.50 Санъатшуносларнинг Халқаро симпозиуми. «Тошкент: ижодий учрашувлар». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Гулла-яшна юртим менинг». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм».). 23.10 «Цирк, цирк, цирк». 23.55 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Саломатлик шаҳри. Телефильм. 18.30 «Урқия». Бадиий фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 20.50 «Совет Иттифоқи кишилари». Кинопрограмма. 21.30 МТ II.

8 ОКТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Чашмалар». 10.10 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 10.40 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.10 «Менинг Москвам». Кинолавҳа. 11.20 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.50 Ҳужжатли фильмлар программаси: «Ангола парламентчилари СССРда» («ЦСДФ»). «Саломалайкум, камарада!» (Тошкент). 12.30 Ленинград Пионерлар саройи ҳақида музикали фильм премьераси. 13.30 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. Инженерлик қўшинлари ветеранларининг учрашуви. 15.00 Янгиликлар. 15.15 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 16.15 «1982 йил қўшиқлари».

17.00 «Эртак ҳузурида меҳмонда», «Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак», «Олтин хўрозча ҳақида эртак». Мультфильмлар. 18.00 «Цирк майдонида». 18.50 «Яна балет ҳақида». Ҳужжатли фильм премьераси. 19.50 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 20.20 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 1-серия.

21.30 «Время». 22.05 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 2-серия. 23.10 «Ромэн» триоси иштирокида музикали программа. 23.40 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.25 «Она ҳақида диалог». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 9.45 «Запасдаги офицер». Бадиий фильм. 11.05 «Тонгги почта» музикали программаси. 11.35 «Инсон. Ер. Коинот». 12.20 «Киносаёҳатчилар клуби». 13.20 «Пўлат узук». «Леопольд учун уй». Мультфильмлар. 13.45 «Экран дўстларни чорлайди». Волгоград — Острава.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

14.30 «Топшириқ». Телевизион ҳужжатли фильм. (Душанба). «Кулобнинг оҳанглари ва бўёқлари». Республиканинг моҳир халқ усталари ҳақида очерк. Санъат усталарининг концерти. 15.40 Александр Блок. «Ўн икки». Фильм-концерт. СССР халқ артисти О. Ефремов ўқийди. 16.05 Москва. Консерваториянинг Катта зали. СССР Давлат оркестрининг концерти. 18.45 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув.

19.00 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1968» йил. 20.00 «Музикали киоск». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье». Илмий-оммабоп программаси. 21.30 «Время». 22.05 В. Белов. «Платницк ҳикоялари». Телевизион спектакль.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.55 «Республика мулки». Бадиий фильм, 1-серия, 12.00 «Эврика». Болалар учун кинокўрсатув. 12.40 «Юртимнинг яшин овози». Фильм-концерт. 13.25 «Шахмат мактаби».

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз». 19.15 «Ахборот» (рус). 19.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Баҳс». Ёшларнинг мунозара клуби. 1-кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Б. Ҳамдамов концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ёрдамчи хўжаликларга кенг йўл». 22.25 «Эртага— премьера». Кўрсатувни кинодраматург Ф. Мусажонов олиб боради. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Яшил хапдори». Мультфильм. 18.15 «Жонкуяр дўстимиз». Бадиий фильм. 20.50 Янгиликлар. 20.25 «Дўстлик маршрутлари — дам олиш маршрутлари». 20.55 «Матсалу қўриқхонаси». «Байкалдан Хубсугулгача». Телефильмлар. 21.30 МТ II.

9 ОКТЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Жаҳон халқларининг ижоди». ГДРнинг музикали фольклори. 10.10 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!» 11.40 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.25 «Тонгги почта» музикали программаси. 12.55 «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан». 13.10 «Қишлоқ янгиликлари». 14.10 «Музикали киоск». 14.40 «Менинг Москвам». Кинолавҳа. 14.50 «Эртага — Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни». КПСС Марказий Комитетининг аъзоси СССР Қишлоқ хўжалиги министри В. К. Месяц сўзи. 15.10 «Киносаёҳатчилар клуби». 16.10 «Қуш сотувчи». Телевизион музикали спектакль премьераси. К. Целлернинг шу номли опереттаси асосида.

17.15 «Халқаро панорама». 18.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Трактор» — «Спартак». Челябинскдан олиб кўрсатилади. 20.20 «Севги изҳори». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Севги изҳори». Бадиий фильм. 2-серия. 23.05 М. Таривердиевнинг В. Шекспир сонетларига ёзган романслари. 23.35 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 «Зарядкага сафланинг!» 9.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси: «Лиепая». (Рига). «Тошмуҳаммад Саримсоқов». (Тошкент). 10.00 «Чемпион ўғли». Бадиий фильм. 11.05 «Рус сувенири» ансамблининг концерти. 11.30 «Ҳайвонот оламида». 12.30 С. Воронцов чалади (гитара). 12.50 «Кинопанорама». 14.20 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Ўлик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак». «Олтин хўрозча ҳақида эртак». Мультфильмлар. 15.20 Запорожье Педагогика институти халқ чолғу оркестрининг концерти. 15.50 «Юракнинг тонглари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

17.00 «Шаҳар рамкасидаги Беш фильм премьераси. 17.30 Халқаро конкурслар лауреатлари З. Шихмурзаева ва А. Гарин чалади. 17.40 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». Шарҳ. 18.10 «Ҳаммаси учун жавобгар». Бадиий фильм. 19.40 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига «Бизнинг биография». «1969 йил». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Мардлик қутби». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.15 «Ижод қувончи». Москва область Коломна шаҳар музика билим юрти академик хорининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Тормес». Телевизион ҳужжатли фильм (Испания). 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати, МАСК—АСК. 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли стадионнинг кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига, «Даврамизга марҳабо!» ҚҚАССР ва Ўзбекистон областлари бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион конкурси. Экранда — Жиззах области (такрорий). 12.10 «Республика мулки». Бадиий фильм, 2-серия. 13.15 «Отаоналар университети». 13.45 «Ўзбекистон спорти» (рус.). 14.15 Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ходимлари кунига. «Хотирамда қолган дамлар». Телефильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун «Фонарик» (рус.). 18.35 Телевизион миниатюралар театри (такрорий). 19.15 «Ахборот» (рус.). 19.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Баҳс». Ёшларнинг мунозара клуби. 2-кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Инсон ва замин» Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар поограммаси. 18.05 «Пионер» студиясининг концерт программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Умид елкани». 19.00 «Новости». 19.20 Телефильм. 19.30 А. Чехов. «Таклиф». Теленовелла. 20.00 «Ахбор». 20.25 «Бўстон-11». Халқ ижодиёти республика телевизион конкурси. 21.30 МТ II.

10 ОКТЯБРЬ — ЯКШАНБА
ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Ўта муҳим топшириқ». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 11.55 С. Прокофьев ва П. Сарасате асарлари. 12.10 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Россиянинг қишлоқ хўжалиги XI беш йилликда» (Ростов кинохроника студияси). «Сурхоннинг ипаксимон камалаги» (Тошкент). «Оққушлар, учиб кетманг» (Олмаота). 16.00 «Рус тили». 16.30 «Кузги учрашувлар». Ҳужжатли фильм. 16.50 «Москва ва москваликлар».

17.20 Мультфильм. 17.30 «Фиджи». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.40 «Ёшлар адреслари». 18.40 К. Сен-санс. Скрипка ва арфа ижроси учун фантазия. 18.55 «Космос инсонга хизмат қилади». Кўрсатувда СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Н. Н. Шереметьевский, В. Л. Барсуков, А. П. Капица, Давлат гидрометерология комитети раисининг ўринбосари П. Н. Козлов иштирок этади. 19.40 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». 19.55 «Тақдиринг қўлингда». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 21.30 «Время». 22.05 Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган санъат усталарининг концерти. «Орлёнок» концерт залидан олиб кўрсатилади. 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Қонун». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.40 Тарих. 4-синф. Крепостнойлар қишлоғида. 10.00 ва 14.05 Инглиз тили. 10.30 «Қадимий ёдгорликлар ери». 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. 11.35 ва 12.35 И. А. Крылов масаллари. 5-синф. 12.05 «Сиз яратган боғ». 13.05 Астрономия. Астрономиянинг амалда қўлланилиши. 13.35 Ўқитувчи экрани. География. 7-синф. СССРнинг фойдали қазилмалари. 14.35 Ўрта аср санъати. 1-кўрсатув. 15.25 «Улуғ Ватан уруши». Киноэпопея. 3-фильм. «Ленинград қамали». 16.15 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 Илмий-оммабоп фильм. 19.00 «Ўрмон эртаги». Фильм-балет. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Концерт-вальс. 21.30 «Время». 22.05 «Мангуликка айланган лаҳза». Телевизион очерк. 22.35 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Крилья Советов». 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун концерт. 18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар. 18.45 «Адабий театр». Р. Ҳамзатов. «Баланд юлдузлар». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Тоғларда куз». Манзарали телефильм. 20.00 «Дунё воқеалари». Халқаро аҳвол кундалиги. 20.30 «Ахборот». 20.50 Муножат Йўлчиева куйлайди. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ўзбек киноси усталари». Ўзбекистон ССР Халқ артисти Асад Исматов. 23.05 Янгиликлар.

Қирғизистон телевидениесининг программаси.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Бугун — Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни». «Ер овозини тинглайман». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.25 «Очиқчасига гап». «Иш вақти дақиқасининг қиммати». 18.55 «Шўх лапарлар». 19.00 «Олатов». Информацион программа. 19.15 «Бугун —Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни». Байрам кўрсатуви. 20.15 «Олатов». Информацион программа. 20.30 Ж. Субанбеков. «Утуш». Кемин халқ театрининг спектакли. 21.30 МТ II.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/Хда **Уз аризасига кўра**, 3/Х да **Бой ила хизматчи** (11.00, 15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2, 3/Х да **Лайли ва Мажнун.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва комедия цирки артистларининг гастроллари** (2/Х да 16.00 ва 19.00 да, 3/Х да 13.00, 16.00, ва 19.30 да).

КИНО

2 ОКТЯБРДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«1940-ЙИЛ ИЮНЬ ОЙИ» — **Москва.**
«БУЗИЛМАС ИТТИФОҚ»— **Фестиваль.**
«САНОАТ КОМАНДИРИ» — **Янгиобод.**
«ЯШАЙВЕР, ИНСОН!» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.**
«ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК САФАРИ» — **Улуғбек.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЮКСАК ДОВОН» — **Нукус** (16, 19.30, 20.45, телефон 46-70-69).
«ШАХСИЙ ҲАЁТ» — **Дружба** (16, 18, 20.00, телефон 66-15-75), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).
«ШОШИЛИНЧ... МАХФИЙ... ГУБЧЕКАГА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-85-20), **Қозоғистон** (17, 19, 21.00, телефон 35-24-92).

3 ОКТЯБРДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«1940-ЙИЛ ИЮНЬ ОЙИ» — **Москва.**
«БУЗИЛМАС ИТТИФОҚ» — **Фестиваль.**
«САНОАТ КОМАНДИРИ» — **Янгиобод.**
«ЯШАЙВЕР, ИНСОН!» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.**
«ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК САФАРИ» — **Улуғбек.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЮКСАК ДОВОН» — **Нукус** (11, 13.30, 16, 19.30, 20.45, телефон 46-70-69).
«ШАХСИЙ ҲАЁТ» — **Дружба** (12, 14, 16, 18, 20.00, телефон 66-15-75), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).
«ШОШИЛИНЧ... МАХФИЙ... ГУБЧЕКАГА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-85-20), **Қозоғистон** (11, 13, 15, 17, 19, 21.00, телефон 35-24-92), **Восток** (катта зал, жуфт соатларда), **Дружба** (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
10 октябрь соат 13 ва 16.00 га белгиланган томошалар
8 ОКТЯБРЬ СОАТ 13 ВА 16.00 ГА
КЎЧИРИЛАДИ
10 октябрь соат 13 ва 16.00 га сотиб олинган билетлар билан кириш мумкин.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
1983 йил учун
СОВЕТ ВА ЧЕТ ЭЛ ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА
Обуна «Союзпечать» агентликларида, алоқа бўлимларида, иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали қабул қилинади.
Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

«МАЛИКА» БОЛАЛАРНИ ХУРСАНД ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

БОЛАЛАР УЧУН АТАЛГАН ТРИКОТАЖ КИЙИМЛАРИНИНГ ЯНГИ МОДЕЛЛАРИНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ



Қиз болалар учун тоза жунли калавадан тўқилган кўйлаклар. Бу кўйлакларнинг қомати пастга қараб кенгайтирилган, енги регланли, бўйин томони бурмали, жозибадор уқа билан безакланган. Кўйлакнинг этаги ва енглари манзарали тўқилган, кўйлакларнинг ранги—ҳаворанг, мошранг, безаклари эса қизил ва сариқ.

Ўғил болалар учун жун аралашган калавадан тўқилган жемпер. Бу жемпернинг олд томони меланжли ип билан тўқилган бўлиб, байрамона манзара касб этади. Бўйин томони «у» ҳарфи тарзида бичилган бўлиб, уқа тутилган. Енги чокли, узун. Жемпернинг этаги ва енгининг учи баҳядор қилиб тўқилган.

ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БОЛАЛАР УЧУН ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН ЯНГИ ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИ ЮКСАК СИФАТЛИЛИГИ, РАНГ-БАРАНГ БЕЗАКЛАРИ, РАНГЛАРИНИНГ ҲАМОҲАНГЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

ТОШКЕНТДАГИ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

2 ОКТЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.30 «Ҳайвонот оламида». 19.30 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнали. 20.00 «Музика ҳамма учун». Шарҳ. 21.30 «Время». 22.05 «Кропоткинская,—12». «Андроников сўзи» туркумидан телевизион фильм. 23.10 Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари. 24.00 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

17.45 «Театр ва томошабин». 18.45 Халқаро обзор. 19.00 «Музикали киоск». 19.30 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1966 йил». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Теннис. Дэвис кубоги. СССР — Ҳиндистон терма командалари. Донецкдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Уч номаълумли масала». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 00.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) — «Металлист». 2-тайм. Минскдан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Алдаркўса ва бой». «Самодаги саёҳат». Қўғирчоқ фильмлар. 18.30 «До-ре-ми-фасоль». Мактаб ўқувчилари учун музикали-ўқув кўрсатуви. 19.00 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Қоялар орасида». Ҳужжатли фильм. 20.00 «Тамарахоним». Телевизион фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси луторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.25 «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун «Костёр». 18.35 «Денгиз ва тоғлар учрашганда». Болалар учун фильм-концерт. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Театр учрашувлари». А. Лоҳутий номли академик драма театри билан учрашув. 20.00 «Ахбор». 20.25 «Кўчат ўтқаз». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.50 Концерт. 21.30 МТ II.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг раҳбарлиги, партия комитети ва шахсий состави министрликнинг бўлим бошлиғи, милиция подполковниги М. Ўринбоевга онаси

Тўтихон ХОЛМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг марказий лойиҳалаш конструкторлик ва технология бюроси коллективи стандартлар бўлими мудири Н. Р. Исамуҳамедовга онаси

Тошой ИСАМУҲАМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент— ГСП. Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат: — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари—33-90-50.